# У банкни 5 млрд. еврога «туширди»...

12-бет


# Ishonch

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

*2008 yil 7 fevral*
*№ 17 (2430)*
*payshanba*

Kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi * Gazeta 1991 yil 21 martdan chiqa boshlagan




***Юртимизда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграциялашувни таъминлаш, илмий изланиш олиб бораётган иқтидорли ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Ёшлар йили, деб эълон қилинган жорий йилда бундай эзгу юмушлар кўлами тобора ортаётгани эътиборга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси учун аспирантлар ўртасида ўтказилган бу галги танловга тақдим этилган ишларнинг юртимиз таълим тизими, илм-фан, ахборотлаштириш технологиялари, соғлиқни сақлаш, энергетика, агросаноат каби йўналишларда тутган аҳамиятига, долзарблигига, мукаммаллигига алоҳида эътибор қаратилди.***

***Тошкент давлат педагогика университети аспиранти Пўлат Эргашев, Тошкент давлат аграр университети аспиранти Гулнора Жалилова, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аспиранти Матлуба Сайфиева, Тошкент тиббиёт академияси аспиранти Дилшод Эгамбердиев, Тошкент давлат техника университети аспиранти Амир Қодиров ғолиб деб топилди.***

# Президент стипендиатлари



## Бугунги сонда:


**Касаба уюшма ҳаёти**
Эзгуликка йўналтирилган фаолият
2-бет

**А.Навоий таваллудига**
«Соқиё, жоми лаболаб тутқил...»
3-бет

**Бугуннинг гапи**
Сабрнинг ҳам чеки бор
4-бет

**Мулоҳаза**
Итнинг мушукка хусумати
5-бет

**Ҳаёт ва қонун**
Вазифасини бажариш чоғида
6-бет

**Шунақаси ҳам бўлади**
Аср фирибгари ёхуд оддий сотувчининг улкан зарари
12-бет

**Спорт**
Маҳорат кўриги
14-бет


**Шунингдек:**

Энг қайноқ спорт янгиликлари, энг мукаммал TV дастур, сканворд ва бошқа қизиқарли мавзулар билан танишасиз.

## 7 кун янгиликлари

**31 январ**

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида ёш киносценарийчилар ўртасида ўтказилган «Энг яхши сценарий» танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**1 феврал**

**Умумтаълим муассасаларида ўтказилаётган фан ойликлари ўқувчилар билими ва ўқитувчилар касб маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Қашқадарё вилоятининг барча таълим муассасаларида жорий йилнинг январь ойида «Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ойлиги» ўтказилди.**

**4 феврал**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси фаолияти, дастурий мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**"Paynet" компанияси шохобчаларида шаҳар телефон тармоқлари учун тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди.**
**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур компания вакиллари томонидан ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси жадал ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Шаҳар ва туман марказларидаги барча алоқа тармоқлари рақамлаштирилиб, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга халқаро телефон алоқаси ҳамда маълумотлар узатиш бўйича юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

**Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида аспирантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясининг 2008 йилги танлови ғолибларига гувоҳномалар топширилди.**

**5 феврал**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2007 йилги фаолияти якунлари сарҳисоб қилинди ва 2008 йилги ишлар режаси тасдиқланди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахт туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раҳбарларининг анъанавий республика ўқув-семинарини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**6 феврал**

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Алишер Навоий маънавий меросига бағишланган кўргазма очилди. Унда мусаввир Темур Саъдуллонинг Навоий асарлари асосида яратган картиналари намойиш этилмоқда.**

Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

# Эзгуликка йўналтирилган фаолият

Халқаро майдонда информацион курашлар кучайиб бораётганлиги бизни ҳамиша ҳушёр бўлишга, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишга ундайди. Шу сабабли Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори талабларини бажаришда Тошкент вилояти касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари бизнинг доимий ҳамкоримиз. Турли тадбирлар баҳамжиҳат ўтказиб келинмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, омбудсманнинг Тошкент вилояти бўйича вакили билан ҳамкорликда ўтказилган «Аёллар меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш» мавзусидаги конференция, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот», Халқ демократик партиясининг вилоят кенгаши биргаликда ўтказган «Мустақиллик менинг тақдиримда» анжумани, «Ishonch» газетаси таҳририяти билан меҳнаткашларнинг учрашувлари шулар жумласидандир.

Маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишда маданият муассасаларининг ўрни беқиёс. Касаба уюшмаларига қарашли Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳамда «Ўзметкомбинат»нинг «Металлург», «Аммофос» ОАЖнинг «Кимёгар», «Электркимёсаноат» ОАЖнинг маданият саройларида, кутубхоналарда меҳнаткашлар учун қулай шароит яратилган. Уларда 60 га яқин тўгарак фаолият кўрсатмоқда. 2007 йили ўтказилган 700 га яқин маърифий тадбирларда 900 мингдан зиёд киши қатнашди. Маданият саройларида фаолият юритаётган «Русская песня», «Фарҳод» хор жамоалари, «Радуга» цирк жамоаси, «Сюрприз» болалар ракс театри, «Тарона» вокал гуруҳи «Халқ бадиий ҳаваскорлик жамоаси» ва «Намунали бадиий жамоа» унвонларига эга. Улар фақат корхона ишчиларига хизмат кўрсатиб қолмай, балки шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги тадбирларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ёшлар йили муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Уларда ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли талаба ва ўқувчилар учун касаба уюшмаларининг стипендияларини жорий этиш, ногирон ёшларни, махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш, санаторийларга бериладиган йўлланмаларнинг маълум қисмини ёшларга ажратиш кўзда тутилган. Ёшлар учун турли учрашув ва анжуманлар ўтказиш, юртимиздаги тарихий обидаларга саёҳатлар уюштириш, корхона ва ташкилотларнинг 18-30 ёшли ходимлари ўртасида «Саломатлик» спартакиадасини ўтказишни режалаштирганмиз.

Хуллас, ниятимиз фақат яхшилик. Эзгу ташвишлардан эса киши ҳеч қачон чарчамайди.

**Эътиборхон РАҲМОНОВА,**
**Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири**



И.ҲАСАНОВ олган сурат

*Уйчи маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бешта йўналиш бўйича 825 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг яхши таълим олишлари учун 87 нафар ходим астойдил меҳнат қилишмоқда, шундан 47 нафари ўқитувчилардир. Мазкур илм масканида ташкил этилган тўгараклар талабаларга амалий кўникмаларини оширишда асқотяпти. Замонавий талабларга жавоб берадиган 100 ўринли ётоқхона, 250 ўринли ошхонада яратилган шароитлардан талабалар мамнун. Бундан ташқари коллежда 2 та ишлаб чиқариш хонаси мавжуд бўлиб, 28 та замонавий тикув машинаси ёшлар ихтиёрида.*

«Саломатлик» поезди

***«Экосан» халқаро ташкилоти ва «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан Оролбўйи ва бошқа экологик шароити оғир минтақалардаги ёрдамга муҳтож одамларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Экосан-Ўзбекистон темирйўллари саломатлик поезди» лойиҳаси давом эттирилаётир. Жумладан, 1 феврал куни Навоий вилоятига навбатдаги поезд юборилди.***

# Навбатдаги бекат – Навоий!..

Мазкур лойиҳа доирасида 1993 йилдан буён Оролбўйи ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларига 150 дан зиёд «Экосан»нинг саломатлик поезди ва автопоездлари юборилиб, улар орқали 700 минг кишига 10 млрд. сўмлик ёрдам берилди. Ушбу поездларнинг юқори малакали шифокорлари томонидан 600 минг кишига тиббий-консултатив ёрдам кўрсатилди.

Навоий вилоятига юборилган поезддаги 32 млн. сўмлик иссиқ кийим-кечак, пойабзал, кўрпа-тўшак, санитария-гигиена молларидан иборат инсонпарварлик ёрдами Нурота, Конимех, Хатирчи, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа сингари туманларнинг ўқув ҳамда тиббиёт муассасаларига, шунингдек, ёш болаларини ёлғиз тарбиялаётган аёллар ҳамда кам таъминланган оилалардаги мактаб ўқувчилари учун аталган.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**«Экосан» халқаро ташкилоти маслаҳатчиси**

Тадбир

***Мамлакатимизда хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари режага мувофиқ ҳар йили турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб келади. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда ҳам қўмита томонидан олиб борилаётган ишлар сарҳисоб қилиниб, режалар белгилаб олинди. Жумладан, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 299-қарори ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.***

# Жамиятимизда аёллар ўрни

Йиғилишда хотин-қизлар ўртасида учрайдиган турли салбий ҳолатлар танқидий муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилаётган 8160 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолияти умумий таҳлил этилди ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича хулосалар айтилди.

Шунингдек, Президентнинг «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилди ва Ёшлар йилида иқтидорли қизларни рағбатлантириш, улар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада кучайтириш мақсадида ташкил этилаётган «Лидер қизлар анжумани» борасидаги режалар тасдиқланди.

Бундан ташқари йиғилишда қўмитага ўтган йили тушган ариза ва шикоятлар тўғрисидаги ахборот ва кун тартибидаги бошқа масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

Бандлик

# Ҳамкорлик самараси

***Гулистондаги Бандликка кўмаклашиш маркази шаҳар корхоналарида фаолият кўрсатаётган касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ўтган йили уч марта меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Натижада 1238 нафар ишсиз фуқародан 835 нафари ижтимоий фойдали иш билан таъминланди. Улардан 300 нафарига ишсизлик мақоми берилди.***

80 нафар фуқаро касбга тайёрлаш ва малака оширишга йўналтирилди. Ишсиз фуқаролардан 6 киши эса муддатидан олдин пенсияга чиқарилди.

Марказимизга қамоқхонадан озод этилган 23 нафар фуқаро мурожаат қилди. Улардан 10 нафари ишга мустақил равишда жойлашиш истагини билдирган, яна 10 кишини саломатлигига кўра ишга жойлаштиришнинг вақтинча имкони бўлмади. Шу боис уларга касаба уюшмаларига қарашли сиҳатгоҳларга йўлланмалар бердик.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ижросини назорат қилиш мақсадида 9 та хўжалик юритувчи субъектда текширув ўтказдик. Уларнинг айримларида меҳнат қонунчилиги бузилган ҳолатлар аниқланди. Шу боис 4 та корхона раҳбарларига жами 149.040 сўм миқдорида жарима солинди.

Иш қидираётган фуқаролар бундан кейин ҳам бизнинг доимий эътиборимизда бўлади.

**Рустамжон ТЎХТАБОЕВ,**
**Гулистон шаҳар**
**Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари**

9 феврал – Алишер Навоий таваллуд топган кун

# «Соқиё, жоми лаболаб тутқил...»



Бу жанрнинг ўзбек адабиётидаги энг гўзал намунаси Алишер Навоий соқийномасидир. 32 банд, салкам 500 мисрадан иборат бўлган бу асар 1480-йилларнинг ўрталарида Ҳиротга ташриф буюрган Олтин Ўрда шаҳзодаси Баҳодир Султон шарафига уюштирилган қурултой ва шоҳона зиёфат муносабати билан ёзила бошланган.

Соқийноманинг ҳар бир бандини шоир бирор шахс ёки воқеага бағишлаган. Чунончи, унинг дастлабки банди Ҳусайн Бойқарога, 2 — 20-бандлар шаҳзодалар ва шоҳнинг яқинларига, 21 — 27-бандлар Навоийнинг марҳум ижодкор дўстлари ва устозлари (Мирзобек, Мир Дарвеш, Мазидбек, Қамбар Али, Амир Шайхим Суҳайлий, Туфайлий, Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад)га, 28-банд ишқ ва ошиқ изтиробларига, 29-банд вафо ва давр аҳлига, 30-банд айрим марҳум ижодкорлар (Муаммоий, Хожа Камол, Мир Садр, Ёр Танбал, Сабзаворий)га, 31-банд эса шоир ҳаётлиги пайтида яшаб ижод қилаётган қаламкашлар (Мир Атоий, Машҳадий, Осафий, Биноий, Мир Фаноий каби) таърифига бағишланган. Сўнгги 32-банд асарнинг хулосаси бўлиб, шоҳ мадҳи билан якунланган.

Асарнинг ҳар бир банди олдидан келтирилган соқийга мурожаат ва май таърифи шоир руҳий олами ва дунёқарашининг ўзига хос томонлари, шунингдек, асар қаҳрамонларига хос айрим хусусиятларни намоён этган.

Алишер Навоий соқийномасида энг кўп қўлланган бадиий усуллардан бири талмеҳдир.

Шарқ мумтоз адабиётида Исо алайҳиссалом ёки унинг нафаси ўликка ҳам ҳаёт берувчи илоҳий қудрат тимсоли саналади. Соқийномада шоир майни ҳам Исо нафасига тенглаштирган:

***Дами Исо каби кайфият анга,***
***Оби ҳайвон каби хосият анга.***

Мумтоз шеъриятимизда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлиқ «Жамшид жоми», «Жамшид тахти» каби бир нечта тимсол ва тушунчалар учрайди. Соқийномада улар асосан шоҳ Ҳусайн Бойқарога бағишланган қисмларда қўлланиб, шоҳона шон-шавкат, улуғворлик ва мағрурлик, узоқ умр ва шод-хуррам ҳаёт кечириш рамзи ҳам саналади:

***Жоми дархўр анга каъси хуршид.***
***Дема хуршидки, жоми Жамшид.***
***Бўлса чун базмда худ Жамшид замон.***
***Тахти заркор уза хуршид макон.***

***Таниқли турк адабиётшуноси Тунжа Кортантамер соқийнома жанри ҳақида шундай ёзади: «Соқийнома – соқий (май қуювчи)га мурожаат ва чексиз илтифотлар ила май, шароб ва майхўрлик мажлислари, ундаги анъана ва одатларни таърифлаган ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий мазмундаги лирик шеърлардир».***

***Дарҳақиқат, май ва унинг хусусиятлари, соқий, қадаҳ, мусиқа, мутриб, муғанний каби образ ва тушунчалар ҳамда май базмларини таърифлаш, уларни ҳаёт шодликларидан баҳрамандлик воситаси, кўтаринки кайфият улашувчи бир тимсол сифатида тавсифлаш соқийнома жанрига хос хусусиятлардандир. Шунингдек, уларда ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалалар ва маърифий фикр-туйғулардан ҳам баҳс юритилган.***

***Ёки:***

***Авжи хуршиди мақом ўлсун анга,***
***Жоми Жамшид мудом ўлсун анга.***

Шунингдек, шоир бу оламнинг ўткинчилиги, дунё неъматлари ва ҳавасларининг инсон қисмати олдида арзимас эканлигини ҳам «Шоҳнома»нинг қаҳрамонлари номини талмеҳ усули билан келтириш орқали бирма-бир таъкидлаган:

***Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг қани,***
***Иккига тож ила авранг қани!***
***Қани Жамшиду Афридун охир,***
***Бирини қўйдиму гардун охир!***
***Не Каёни бору не Сосоний,***
***Не Скандар доғи не Ашконий.***
***Қолмади Рустам ила Сом доғи,***
***Язди журд ўтти-ю Баҳром доғи...***

Шоир асарда соқийга мурожаат орқали унинг қадаҳ тутиши, жомга май ва шароб қуйиши, майхўрлик давраларида ўзини тутиши, маданияти ва одоби каби масалалардан ҳам баҳс юритган. Масалан:

***Соқиё, жоми лаболаб тутқил,***
***Адаб асрау муаддаб тутқил.***
***Бодаким, неча еткурса тараб,***
***Ортқай табъига таъзиму адаб...***

«Даврага ёрқинлик бағишловчи соқий ва унинг қадаҳ узатишидир, — деб ёзади турк адабиётшуноси доктор Ридван Жаним. — Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири гўзаллигидир. Майхўр баъзан ичимликдан эмас, соқийнинг гўзаллиги, одобу ҳаёси, ҳатто у узатган майнинг исидан ҳам маст бўлади». Соқийноманинг мана бу байти ҳам шу фикрларнинг далилидир:



***Уйла майким, чу кўриб бодапараст,***
***Ичкуча атридан ўлгай маст.***

Шоир соқийни тавсифлаб, ёшлик ва навқирон йигитлик дамларининг завқу шавқини иштиёқ билан қаламга оларкан, май ёки шаробнинг бир қатраси ҳам ҳар қандай кексаликни яшартиришга қодир дея муболаға қилади:

***Қатраи қилса куҳан пир ани нўш,***
***Навжувон ўлгай этиб жўшу хуруш.***

Соқийноманинг шоҳ Ҳусайн Бойқаро, шаҳзодалар ва шоҳнинг яқинлари таърифланган қисмларида шоир соқийга мурожаат қилиб, ёқутранг бода, бодаи мастона, бодаи гулфом, жоми ҳилоли, жоми заркор, жоми дилоро, қадаҳи моломол каби тимсол ва тушунчаларни келтиради. Масалан, шаҳзода Шоҳғариб Мирзо (Ғарибий — М.А)га бағишланган банд «Соқиё, бодаи мастона кетур», Музаффар Мирзо ҳақидаги қисм «Соқиё, тут қадаҳи моломол», Иброҳим Ҳусайн таърифланган банд «Соқиё, жоми ҳилоли тутқил» каби тамсиллар билан бошланган. Асарнинг бу қисмларида майнинг ранги ҳам ниҳоятда тиниқ ва ёрқин, таъми эса ширин ва ёқимли қилиб тасвирланган. Чунончи:

***Соқиё, бода кетур ёқути,***
***Руҳнинг қуввати, жоннинг қути.***
***Таъм анга шарбати ҳижрон янглиғ,***
***Лавн анга лаъли Бадахшон янглиғ.***

Бошқа бир байтда эса майнинг жуда ўткирлиги ва кишига таъсири «поклар ишқи» ва «шўхлар ҳусни»га ташбеҳ қилинган:

***Поклар ишқи каби нашъаси тез,***
***Шўхлар ҳусни каби шўрангиз.***

Шунингдек, шоир марҳумлар хотираси, дунёнинг ўткинчилиги, замон ва инсон қисмати ўртасидаги зиддиятлардан баҳс юритаркан, фикрларини «жоми фано» тимсоли билан боғлиқ тарзда ифодалаган:

***Соқиё, тут қуюбон жоми фано,***
***То кўрайким, недур анжоми фано.***

Аксинча, шоирнинг ҳаёт бўлган ёр-биродарлари ва ижод аҳлига бағишланган қисмда «жоми шукрона» сўз бирикмаси келтирилган:

***Соқиё, айла тўла паймона,***
***Манга тутқил қадаҳи шукрона.***

Кўрамизки, соқийноманинг ҳар бир банди унда таърифланаётган шахс ёки воқеага эътиборни тортувчи ўзига хос тамсиллар билан бошланган. Шу тариқа Суҳайлийга бағишланган бандда «Соқиё, жомға қуй майдин сайл, май Хуршиду анинг жоми суҳайл», Жомий ҳақидаги бандда «Соқиё, жом кетур дарёваш», Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган бандда «Соқиё, паҳлавий ойин май тут, паҳлавий лаҳн ила кўнглунгни овут», шоирнинг ижодкор дўстларига бағишланган бандда «Соқиё, дўстлуғни кўргузгил, дўст кони қадаҳи еткузгил» каби мисра ва байтлар келтирилган. Хуллас, Навоий соқийномаси шоир санъаткорлигининг юксак намуналаридан биридир. Қолаверса, унда шоир шахсиятининг ўзига хос қирралари, замон аҳлига муносабати, ижтимоий-фалсафий қарашлари ва инсонпарварлик ғоялари ҳам ўз ифодасини топган.

**Мақсуд АСАДОВ,**
**ЎзФА Алишер Навоий номидаги**
**тил ва адабиёт институти аспиранти**

# Шоҳбайт — энг порлоқ байт

***Шоҳбайт – лирик ижоднинг қаймоғи, мумтоз шоирлар бадиий-эстетик, фалсафий-ахлоқий фикр-қарашларининг кульминацион, хулосавий ифодаси. Шарқнинг донишманд шоирлари уларда олам ва одам, жамият ва шахс, ахлоқ ва камолот тўғрисидаги абадий ҳақиқатларни ифодалашган. Маълумки, шоирнинг шоирлигини кўрсатувчи шаффоф кўзгу – бу шеър. Шеърдан бошқа ҳеч нима шоирдан ёдгор қолмайди. Сўз ва мисра устида тер тўкаркан, у дунёда ҳеч кимга насиб қилмайдиган дуру гавҳар топади. Мукаммал бир байт гўё уни шоҳлик – султонлик мақомига кўтаради. Ахир, шоҳбайт яратишга эришган шоирни сўз ва кўнгил шаҳаншоҳи демаслик инсофданми? Ҳамма шоирдан ҳам шоҳбайт қолмайди. Баъзан бутун бошли бир девон ёки шеърлар тўпламини варақлаб бирорта ҳам шоҳбайтга дуч келмаслик мумкин. Ва аксинча, шундай девонлар борки, ундаги байтларнинг қай бири шоҳбайт эмас, дея ўйлайсан. Оллоҳга шукрки, Навоий ва Бобурдан, Машраб ва Огаҳий... дан бизга шунақа китоблар мерос қолган.***

***Яқинда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "Ҳазойин ул-маоний"дан жой олган шоҳбайтлари Иброҳим Ҳаққул томонидан сараланиб, бугунги тилдаги насрий баёни билан таъминланган ҳолда «Фан» нашриётида чоп этилди. Китоб маънолар хазинасидан баҳра олишга иштиёқманд кенг китобхонлар оммасига манзур бўлишига ишончимиз комил. Қуйида «Алишер Навоий. Шоҳбайтлар» китобидан айрим гўзал байтларни диққатингизга ҳавола этаяпмиз.***

**Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,**
**Марҳам ар йўқтир, кўнгулга ништар ҳам бўлмаса.**

***

Дунё элидан фойда-ку йўқ, кошки зарар ҳам бўлмасайди. Майли, малҳам топилмаса-топилмас, кошки кўнгилга ништар ҳам санчилмасайди.

***

**Ғайрдин қилғил замиринг сафҳасин пок, эй фақиҳ,**
**Тобакай қилмоқ фиребу макр ила дафтар қаро.**

***

Эй фақиҳ, ёрдан бошқасини унутиб, ботининг саҳифасини поклагил. Ахир, қачонгача фиребу макр билан дафтар қоралайсан.

***

**Даврон санга зулм этса, қадаҳлар тўла май ич,**
**Қон ютсанг аёғлар тўла давронға не парво.**

***

Даврон сенга зулм қилса, қадаҳларни тўлдириб май ичгил. Чунки қадаҳларни тўлатиб қон ютсанг ҳам даврон бунга ҳеч парво этмайди.

***

**Умр чун фоний эмиш, гар киши олам шаҳидур,**
**Чун ўлар, невчун этар мунча тааззум, ёраб.**

***

Умр ўткинчи ва фонийдир. Одам олам шоҳи бўлса ҳам барибир ўлади. Бас, шундоқ экан, бунча кибрланиш, ўзни катта кўрсатишнинг нима кераги бор?

**Молдин умрунгға осойиш агар етмас не суд,**
**Нуҳ умрин ҳосил этсанг, ганжи Қорун қозғаниб.**

***

Мол-мулк умринг ва ҳаётингга хотиржамлик бермаса, Нуҳдай узоқ яшаб, Қорун хазинасини қўлга киритишингдан нима фойда?

***

**Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,**
**Бас, эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.**

***

Бу оламда амал, мартаба фоний, яхши ном эса боқий. Шундоқ бўлгач, ўзингни катта ишларга қодир билсанг, элнинг оғирини енгил қил, мақсадга етишишига кўмаклаш.

***

**Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,**
**Бас, недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?**

***

Эй Навоий, ишқ агар кўнглингни мажруҳ қилмаган бўлса, нима учун фиғон чекканингда оғзингдан қон келади?

***

**Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,**
**Алам йўқлуғи даги қаттиқ аламдур.**

***

Кўнгул ичра ғам камлиги жуда катта ғамдир. Аламнинг йўқлиги эса янада қаттиқ аламдир.

Бугунинг гапи

# Сабрнинг ҳам чеки бор

## ёхуд истеъмолчи ҳуқуқини ким ҳимоя қилади?



*Ёқилғи-энергетика ресурслари иқтисодий тараққиётимиз таянчидир. Айни пайтда улкан энергетика тизими мамлакатимизнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмай, ҳатто унинг бир қисмини қўшни давлатларга ҳам экспорт қилаяпти. Марказий Осиёда энг йирик, 3,2 млн. киловатт қувватли Толлимаржон иссиқлик электр станциясининг 800 минг киловатт-соатли биринчи блоки ишга туширилиши истеъмолчиларнинг талабини қондиришда катта аҳамият касб этади.*

Бутун республикада бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам энергетика қурилмалари босқичма-босқич замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирилиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда. «Қашқадарёэлектртармоқлари» корхонаси минглаб юридик, 383 мингдан зиёд жисмоний шахс билан шартнома тузиб, ҳар йили 80 млрд. сўмлик электр энергияси етказиб бераяпти. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича, вилоят магистрал электр тармоқлари тезкор бошқарув хизматининг асосий вазифаси электр энергиясини истеъмолчиларга узлуксиз, сифатли етказиб беришдан иборат.

— Тараққиёт замонида яшаяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Нишон туманидаги Нуристон шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Ҳ.Абдуллаев. — Ҳаётимизни электрсиз тасаввур этолмас эканмиз, хонадонларимизга ёруғлик, кўнгилларимизга илиқлик олиб кирадиган манбадан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишимиз керак.

Ҳисобли дўст айрилмас деган гап бор. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари асосида иш ташкил қилинса, корхонада юзага келган миллиардлаб сўмлик қарзлар бирмунча камаяр эди.

Ёғин-сочинли кунларда ҳукуматимизнинг республика иқтисодиёти тармоқларини 2007- 2008 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори тўлиқ бажарилмаганлиги энди панд бераяпти.

**ВАЪДАЛАРИ ЁЛҒОН ЭКАН...**

Бултур декабр ойининг сўнгги ўн кунлигида ёқилғи-энергетика комплексининг мутасаддилари вилоят телевидениеси орқали чиқиб, янги йилда электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминотида узилиш бўлмайди деб қатъий ваъда беришган эди. Амалда эса тамомила тескариси бўлди.

Воҳанинг Қарши, Нишон, Муборак, Миришкор, Касби, Ғузор, Деҳқонобод, Қамаши, Чироқчи туманлари аҳолисига электр энергияси етказиб беришда ўқтин-ўқтин узилишлар содир бўлаяпти. Ҳатто Қарши шаҳрида энергия узатиш тўсатдан, ҳеч бир огоҳлантиришсиз тўхтатиб қўйилаётганлиги одамларда норозилик ҳиссини туғдирмоқда. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилишини назорат қилувчи идоралар ҳамон сукут сақлаб турибди. Коммунал тўловларни ундириш борасида ҳар куни ўтказиладиган йиғилишлар кутилган самарани бермаяпти.

**«ЎЧИР, ЎЧИР-ЕЙ...»**

Олис туманда бўлганимизда электр тармоқлари корхонаси раҳбари билан суҳбатлашдик.

— Марказий касалхонанинг жарроҳлик бўлимини қолдириб, қолган бўлимларнинг чироқларини ўчирамиз, — деди у.

Бу нима деган гап? Шифо масканлари давлат ҳисобидан таъминланади-ку? Қолаверса, бу ерда дард билан олишиб, соғайишини кутиб ётган қанчадан-қанча беморларнинг ҳоли не кечади?!.

Кўчада икки талабанинг жиғибийрон бўлаётгани қулоққа чалинди.

— Кеча тўсатдан чироқ ўчиб, компютерим куйиб қолди.

— Менинг эса телевизорим ишдан чиқди. Вилоят телевидениеси кўрсатувларини кўролмадим.

— Ўчир-ўчирлар роса жонга тегди, — дейди кўп йиллар монтёрлик қилган қария. — Бундай ҳолда трансформаторларнинг ҳам ишдан чиқиши ҳеч гап эмас.

— Қоронғиликдан фойдаланиб, учта боқувга қўйилган ҳўкизимни ўғирлаб кетишди, — дейди қамашилик Маҳмадиёр. — Уч миллион сўмни бой берганимдан доғдаман.

Хуллас, ана шундай шикоятлар кун сайин кўпайиб бораётир...

**ЧЕКЛОВЛАР...**

Электр энергияси тўловларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг қарзи миллион эмас, бир неча миллиард сўмни ташкил этади. Аммо, энергиядан фойдаланганлиги учун тўловларни вақтида расмийлаштираётган, қолаверса, халқ таълими, тиббиёт ва бошқа бюджет муассасалари ходимлари иш ҳақидан коммунал тўловлар ушлаб қолинаяпти.

Нега электр ҳақини тўламаганларнинг хонадонларига энергия бериш тўхтатилмайди, ўрмонга ўт кетса ҳўлу-қуруқ баравар ёнади деганларидек, қарздор бўлмаганларнинг ҳам чироқлари ўчириб қўйилади?

Электр энергияси таъминотида чекловлар нима асосда амалга оширилади? Фавқулодда вазиятда ёхуд трансформатор ишламай қолса ёки сим узилса энергия узатиш вақтинча тўхташини ҳамма яхши тушунади.

Яқинда чўл туманларидаги аҳвол билан танишганимизда, марказга яқин микрорайоннинг ярмида чироқ бор, ярмида йўқлиги бизни ажаблантирди.

— Бу ҳудудда туман ҳокимлиги ва бошқа маъмурий идоралар жойлашган, — деди бир қария.

«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда «Энергия етказиб берувчиларнинг келишмасдан энергия таъминотини тўхтатиб қўйиши натижасида энергиядан фойдаланувчиларга етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади» деб ёзиб қўйилган.

Демак, калтакнинг икки учи бор деганларидек, истеъмолчилар ҳам қонун доирасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари, ҳатто ўзларига етказилган зарарни ундириб олишлари мумкин.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Қарс икки қўлдан чиқади дейдилар. Истеъмолчиларнинг тўловлардан қарзлари энергетикларнинг қўлини боғлаб қўймоқда. Айни пайтда электрдан хўжасизларча фойдаланиш энергиянинг исроф бўлишига олиб келмоқда. Масалан, шу йилнинг 26 январ куни эрталаб соат саккизларда Бўка тумани маркази ва атрофидаги қишлоқлардаги кўча-ҳовли, дўконларнинг чироқлари ўчирилмаган. Ундан ярим соат ўтиб, Бекобод туманига борсангиз яна шу ҳол. Бундай хўжасизлик бошқа вилоятларда ҳам учрамоқда. Шунинг учун маҳалла фаоллари, масъул ўртоқлар аҳолининг электр ва газдан фойдаланиш кўникмасини яхшилаш ҳақида ҳам ишлашлари керакка ўхшайди.***

Ўт балосидан асрасин

# Айб фақат одамларда эмас...



Январ ойининг энг совуқ икки ҳафтасида содир бўлган ёнғинлар натижасида 12 млн. сўмдан зиёдроқ моддий зарар кўрилган. 17 киши оғир жароҳат олиб, 12 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди.

— Ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан тинимсиз тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилганига қарамай, фуқаролар носоз ва қўлбола иситгич мосламалардан фойдаланиши натижасида ёнғин содир бўлиш ҳолатлари кўпаймоқда, — дейди Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси, катта лейтенант Улуғбек Вафоев. — Боғот тумани Пахтакор кўчасида яшовчи О.Сапаровнинг уйи ва жиҳозлари ёниб кетди. Фалокат оқибати ўрганилганда ошхонадаги иситгичга ўрнатилган газ босими паст бўлганда уни тортиб берувчи қурилма кечаси ёниқ қолганлиги маълум бўлди. Тунда газ тўхтаб, аланга ўчиб, маълум вақт ўтгач яна кела бошлаганлиги натижасида газ ошхонада йиғилиб қолади. Эрталаб уй бекаси Н.Сапарова ошхонага кирганида газ ҳидини сезмасдан электр чироғини ёқади. Шу зайл ёнғин бошланади. Оқибатда уй бекаси ҳалок бўлди.

Нукус шаҳри К.Аметов кўчасида яшовчи С.Атамуратовнинг уйида ҳам шунга ўхшаш воқеа кузатилган. А.Атамуратова эрталаб ошхонага кириб чироқни ёқиши билан ёнғин чиқади ва у оғир жароҳатланди.

Иккала ҳолатда ҳам уй эгалари ноқонуний мосламалардан фойдаланган. Бундан, афсуски, аввалambор фуқароларнинг ўзлари азият чекмоқда...

Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг фикрига эътироз йўқ. Бироқ, иккала ҳолатда ҳам газ босимининг камайиб, тўхтаб, кейинчалик яна кела бошлаганини эътиборга олиш лозим. Уйдаги ҳарорат, газ босими истеъмолчилар талаби даражасида бўлганида ортиқча иситгич ва махсус мосламаларга ҳожат қолмасди-ку.

— Ўтган йили Тошкент вилоятида 1873 та ёнғин содир бўлди. Шундан 1265 таси шахсий хонадонларга тўғри келади. Ёнғинлар оқибатида 20 киши ҳалок бўлган, 96 нафари эса оғир жароҳатланган. Жорий йилнинг дастлабки 15 кунида бу кўрсаткич 135 тани ташкил этди, яъни ўтган йилдагига нисбатан 35 фоиз кўп, — дейди Тошкент вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси, капитан Д.Холмуродов. — Юзга яқин ёнғин қўлбола ва носоз иситиш мосламаларидан фойдаланиш туфайли юзага келган. Ўртачирчиқ тумани Дархон маҳалласида яшовчи К.Усмонов, Чиноз тумани Олмазор қўрғони Самарқанд кўчасида истиқомат қилувчи Р.Мустафоевникида содир бўлган ёнғинлар ҳақида гапирсанг тилинг, гапирмасанг дилинг куяди. Ахир бир оила ҳамжиҳатликда йиққан мол-мулк, қурган иморат бир соатда кулга айланишидан ортиқ кўргулик борми?!.

Аввало, ҳеч кимнинг бошига бундай кулфат тушмасин. Шундай бўлсада, айтиб ўтиш жоизки, жойлардаги газ таъминоти идоралари қишга тайёргарлик ишларини рисоладагидек олиб борганида бундай кўнгилсизликлар юз бермасмиди? Тайёргарлик нафақат Тошкент вилояти, балки бутун республика бўйича суст олиб борилган. Юқорида келтирилган мисоллар фикримизга дадил бўла олади. Шу боис айбни фақат фуқароларга юкламасдан, жойлардаги таъминот идоралари ходимлари газ истеъмолчиларга меъёрида етиб боришининг назоратини янада кучайтирсалар, ёки газ пасайиши ҳақида уларни огоҳлантириб турсалар, ёнғинларнинг олди олинган бўлар эди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Ҳангома



# Итнинг мушукка хусумати



***Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега ит ва мушук бир-бири билан чиқишолмайди?!***
***Айтишларича, қадимда мушук итдан қарз олган ва уни қайтаришни истамас экан. Шунинг учун ит мушукни кўрди дегунча «қарзимни нима учун қайтармаяпсан?» дея қувиб кетаркан. Хуллас, қарз деб аталувчи олди-бердилар ўта азалий ва айни вақтда нозик масалага айланиб қолди. Агар у билан боғлиқ ҳангомаларни эсласак... «қарз отлиқ машинани ким ўйлаб чиқарган экан?» деган каттакон савол қаршимизда кўндаланг бўлиши аниқ.***
***Хўш, нега қарз оламиз ўзи?! Бесабр эканлигимизданми? Олган қарзимизни нима учун қайтаришга шошилмаймиз? Инсофни унутамизми? Шу икки ҳолатнинг оқибати эса кўпчилигимизга маълум.***

## Эртанинг эртаси...

— Гулсарахон, шу гапни шеър қилиб ёдлаб олганмисиз, нима бало? Сизникига қатнайвериб оёғимда оёқ қолмади. Менга пул бугун жуда керак ахир! — дейди Саломат қўшни аёлга ялингандек боқиб.

— Эртага келинг, пулингизни албатта бераман, — дейди яна у.

— Агар эртага қарзингизни узмасангиз, эрингизга айтаман, билиб қўйинг, — дея шарт-шурт чиқиб кетади Саломатхон.

Мана, уч ой ўтди. Ҳеч ўзгариш йўқ. Гулсара «эртага келинг» дейишдан чарчамайди. Саломат унинг уйига кириб-чиқавериб бўлари бўлди. «Энди эрига айтмасам бўлмайди шекилли» ўйлади у.

Гулсаранинг эри каттакон идорада қандайдир лавозим эгаси. Уй-жойи кўримли, аёли-ю бола-чақасидан пулни қизғанмайди. Лекин Гулсара тушмагур моданинг кетидан қувгани-қувган. Нима урф бўлса шуни олиб кияди, бунга пул чидайдими ахир! Эридан ҳадеб сўрайверишни эп кўрмай, кўпинча қўшниси Саломатдан қарз олади. Шу охирги қарзини ҳеч узай демайди...

Бир куни Саломат қўшнисиникига чиқди-ю «пулимни бермасангиз кетмайман» деди қатъий. Гулсара: «Тонг отсин, шунгача сабр қилолмайсизми?», — деди. «Йўқ!», — деди Саломат. Шу орада уй эгаси ишдан қайтди, қўшни аёлга ажабланиб қаради. Бу нарса Саломатга оғир ботди.

— Гулсарахон мендан қарз олувди, шуни сўраб чиққандим, — деди у.

— Нима? Нега қарз олади? Менга айтмаган-ку?

Сўнгра аёлини қистовга олди.

— Гулсара! Сенга пул нега керак бўлиб қолди? Гапир!

— Ҳалиги... Янги кўйлак олувдим!

— Сен ҳали бировдан қарз олиб кўйлак киядиган бўлдингми? — эркак аёлининг юзи-кўзи аралаш шапалоқ тортди.

— Вой, урманг! Ҳозир тўлайман! Мана!

Гулсара халати чўнтагидан бир сиқим пул чиқарди-да, қўшни аёлга узатди:

— Манг, олинг! Вой, ўлмасам, бурним қонаб кетди!

У чўнтагидан дастрўмолини олиб бурнига босди.

— Бу оз-ку, қолганиниям ҳозир беринг, — деди Саломат пулни санаб кўргач.

Гулсара чўнтагини кавлаб каловланди. Сўнг эри уйдан чиқиб қолишидан ҳайиқдими, яна бир даста пул чиқариб берди.

— Мана, олақолинг! Ўзимга бир чақаям қолмади. Вой, бурнимдан яна қон оқаяпти! Менга томошабин бўлмай, борақолинг уйингизга!

Саломат шоша-пиша чиқиб кетди.

— Ниҳоят қарзимни ундирдим, — деди у уйидагиларга. — Ўзиям шу пулни менга бергунича икки марта бурни қонади-я!

Қарз шунақа нарса экан...

## Тескари дуо

Адҳамжон ва Раънохон турмуш қуришганига ўн йилдан ошса-да, фарзанд кўришмади. Иккисининг бормаган жойи қолмади. Охири уларнинг хонадонида ҳам чақалоқ туғилди. Бутун оиланинг қувончи ичига сиғмасди. Адҳамжоннинг топиш-тутиши яхши эди, дарҳол қўни-қўшнини чақириб зиёфат берди. Сўнг ўзи хизмат сафарига жўнади. Ўша кунларда эмизикли жувон эшикнинг қаттиқ тақиллашидан чўчиб кетди. Чиқса остонада дўппи кийган бир йигит. «Адҳам акам қаерда, мен у кишининг яқин укахони фалончибекман». Сўнг хижолатли қиёфада деди:

— Кеннойи, Адҳам акам илгари мендан анчагина пул қарз олганди, кўп вақт ўтди, ҳамон қайтармаяпти. Агар бугун топиб бермаса у киши билан ака-укачиликниям йиғиштираман. Ахир бугун тақдирим ҳал бўлай деб турибди.

— Адҳам акангиз менга бу ҳақда айтмовди-ку, нима қилсамикин-а? — саросималанди аёл.

— Ҳа, энди эркак киши ҳамма гапниям аёлига айтавермайди-да. Уйда йўқ экан, ўзингиз бир амаллаб тўлай қолинг. Бугун шу пулни олмасам, бошқа вақтда фойдаси йўқ! — деди йигит кескин бир тарзда.

Аёл бу деса, йигит у деди, хуллас тортишув бошланди.

— Бермасангиз берманг! Мени ранжитган одам ҳеч ўнгланмаган, шуни билиб қўйинг! Ҳозир ортимга қайтишим билан тескари дуо ўқийман, сўнг уйингизга ҳам, фарзандингизга ҳам бирпасда...

— Вой, тўхтанг! Жон укам, тўхтанг! Ҳозир пул олиб чиқиб бераман, — аёл уйга кириб эр-хотин жамғарган пулнинг барини кўтариб чиқди. Йигит пулни олди-ю тез хайрлашиб жўнаб қолди.

— Яхшиям унинг тескари дуосидан азиз болагинамни асраб қолдим, — дея ич-ичидан қувонди аёл. — Майли, пул топилар...

Шундай бўлса-да, анча пул қўлдан кетганига ачинди, эри келгач бор аламини унга тўкди:

— Қанақа одамсиз ўзи? Қарзингизни вақтида тўламайсизми? Ҳеч бўлмаса мени хабардор қилиб қўймабсиз-да...

Адҳамжон воқеани суриштириб билгач, баттар жиғибийрон бўлди:

— Менинг унақа укахоним йўқ, бунақа исмли одамни танимайман ҳам. Шу вақтгача бирор кишидан қарз ҳам сўрамаганман! Вой фирибгар-ей! Сени боплаб туширибди-ку!

Аёл лабини тишлаб қолди.

Ҳаммагаям ишонаверсак, оқибати шунақа бўлади-да.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Мулоҳаза

# Ҳаёт карвонининг сарбонлари



***Ўзбек миллий академик драма театрининг истеъдодли актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов йиллар давомида ўйнаган хилма-хил, бетакрор образлари орқали халқимизнинг меҳрини қозонган. Санъаткор иштирокидаги «Соғинч соҳили» филми ҳам томошабинлар эътиборига тушди. У 2006 йили Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғидаги «Саховат уйи»да суратга олинган. Асарга С.Назармуҳаммедов сценарий ёзиб, режиссёрлик қилган. Унинг бош мақсади ҳаётда қандай ҳолатда яшаётган одамлар борлигини кўрсатиш орқали кишиларда олаётган нафаси, уриб турган юраги учун шукур қилиш, иймон-эътиқод туйғусини шакллантиришдан иборат. Бош рол — Миша ака образини Э.Комилов яратган бўлса, илмий иши бўйича тадқиқотга келган Музаффар Ғуломов ролини Улуғбек Музаффаров ўйнаган.***

Филм дастлабки лавҳаларданоқ ҳаёт, соғинч ва дийдор каби муқаддас туйғулар тарғиботи билан бошланади. Ўзбеклашиб кетган яҳудий Миша ака — Михаил Давидович Соломонов умрининг асосий қисмини мана шу савдойилик масканида ўтказадиган, бутунлай соғайиб кетишига ишончи қолмаганларни охиригача тушуниш миссияси зиммасига юкланган шахс образи. Бу филмдаги образлар муносабатида яққол ўз аксини топган.

Моҳирона ижро этилган роллардан яна бири Музаффар Ғуломов образидир. У пансионатга келган илк кунданоқ бир неча воқеаларнинг гувоҳи бўлади.

Киноасар қаҳрамонларидан бири Султон хотини ташлаб кетгани учун, кучли руҳий азобда қолганидан ўзини осаётганида атрофдагилар хабар топиб уни қутқариб қолишади. Бу ерда ҳақиқий ҳаётдаги каби ҳеч ким бир-бирининг устидан кулмайди, аксинча, ҳамма ўзаро меҳрибон, иноқ, дўст. Бошқа дунёда уларга айнан шулар етишмаган.



Деврордан буёғи — ногиронлар дунёси. Ғуломов бу ердагиларнинг ҳар бирининг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилади. Суҳбатини олади. Масканда ҳамма нафақат ўзининг, балки бир-бирларининг мушкулини осон қилиш, ғамига шерик бўлиш билан умрини ўтказади.

Таъкидлаш жоиз, филм ўзлигини англашга интилаётган шахслар аудиториясига мўлжалланган. Негаки, у ўткинчи ҳою-ҳавас, бачканаликлардан холи. Филм мусиқани, умуман, ёқимли ҳаёт мусиқасини ҳам тарғиб қилади.

Яна эътиборга молик кадрлардан бири тадқиқотчи Ғуломовнинг таҳлил муддати якунланиб, «Миша ака, диссертация учун маълумотлар етарли» деганида ногиронлар пансионати раҳбари:

— Шу ерда 28 йил ишлаб, докторлик ишини ёзмабман, — дейди у кулиб.

Кўҳна дунё дардлари билан боқий. Ҳамма даврда ҳам ногиронлар бўлган. Аллоҳ уларни яратиб, бошқа одамларни тўғри фикрлаш, мушоҳада юритиш, энг муҳими умрнинг ҳар кунига шукрона қилишга чорлаётгандек гўё.

Эркин Комилов бу образни бутун меҳрини бериб яратган десак адашмаймиз. У киши устози Шукур Бурҳоновнинг «Мен ўз маҳоратимни баланд чўққига олиб чиқиш учун уч нарсага риоя қиламан. Буларнинг биринчиси — ўз ишига муҳаббат ва садоқат, иккинчиси — кунлик фаолиятимнинг ажралмас қисмига айланиб қолган темир интизом, учинчиси — иложи борича халққа яқин бўлиш, унинг дардини тушунишга ҳаракат қилиш» деган ўгитига амал қилиб келмоқда.

— Томошабинлар ҳар бир образнинг маҳоратли ижросини кутади. Шу ҳодиса рўй берса, демак, ўша актёр бахтли инсон, — дейди Эркин Комилов.

Филмни меҳрга катта ҳарфлар билан ёзишга арзигулик бағишлов дейиш мумкин. Зеро, меҳру саховат тансиқ туйғу бўлиб, дунёнинг ўзи каби қадимий ва азиздир.

Ушбу сатрларни ёзаётганимда севимли санъаткоримиз айтиб берган шеър хаёлимдан кетмас эди:

Қумғонингда қувонч қайнамас,
Асли бир кам яралган олам.
Жонинг соғми, нолийверма, бас,
Ташвиш билан тирикдир одам.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Суратда: филмдан бир лавҳа.**

# Ҳаёт ва қонун

## Муомала лаёқати

*Шахснинг муомала лаёқати ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.*

**Собиржон САЛОМОВ,**
**Навоий шаҳри**

Инсон вояга етгач, атрофдагилар билан муомалага киришади. Айтайлик, қандайдир ҳуқуқий ҳолат вужудга келади. Шахс (хоҳ жисмоний, хоҳ юридик) олувчи ё сотувчи ёки яратувчи сифатида намоён бўлади. Ким учундир ёхуд кимдир унинг учун бирор ҳаракат қилишга мажбур. Бу ҳаракатлар аксарият ҳолларда мулк билан боғлиқ ё унга дахлдор бўлади. Ҳуқуқий забонда буни мулкий ё мулк билан боғлиқ бўлмаган муносабат дейилади. Буларнинг барчаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Киши бундай муносабатга кириш учун тўла муомала лаёқатига эга бўлиши керак. Муомала лаёқати — фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати бўлиб, у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ туфайли эга бўлинган муомала лаёқати киши ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳи бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийи амалга оширади.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

Спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан Фуқаролик-процессуал кодексида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. Бошқа битимларни эса ҳомийининг розилиги билангина тузиши, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади.

Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар барҳам топса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни ҳамда унга белгиланган ҳомийликни бекор қилади.

## Шифер ва цемент савдоси

*Мен тадбиркор сифатида шифер ва цемент билан савдо-сотиқ қиламан. Кейинги пайтда бу маҳсулотлар билан савдо қилишни тақиқлаб қўйишди. Шу тўғрими?*

**У.ЖЎЛЛИЕВ,**
**Муборак тумани**

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 ноябрдаги 244-қарорига асосан цемент ва шифер махсус тартиб бўйича сотиладиган моддий-техник ресурсларнинг стратегик турлари рўйхатига киритилган.

Моддий-техник ресурслар стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ «Монополист корхонанинг маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, шунингдек, биржа (кимошди) савдоларида сотилади. Бунда маҳсулотлар тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охирги санада эълон қилинган биржа савдолари котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилади. Шу ўринда нархлар котировкасини ҳам шарҳлаш ўринлидир. Бу — савдоларнинг бир куни учун биржада ўтказиладиган савдо-сотиқлар натижалари бўйича маҳсулотнинг аниқланган ўртача нархи.

Моддий балансларга мувофиқ биржа савдоларида сотишга мўлжалланган маҳсулотлар тўғридан-тўғри шартномалар бўйича фақат савдога қўйилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида сотилмаган ҳажмларда олдинги ҳафтадаги биржа савдоларида вужудга келган ўртача нархлар бўйича сотилиши мумкин».

2007 йил 9 апрелда биржа савдоларида шифер сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Цемент бўйича ҳам шу куни худди шундай низом тасдиқланган.

Савдо-сотиқ билан шуғулланувчи ҳар бир тадбиркор Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-қарори билан тасдиқланган улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомдан ҳам хабардор бўлмоғи лозим.

Газетхонларга янада тушунарли бўлиши учун мазкур низомлардаги тушунчаларни қисман келтирамиз.

**Улгуржи савдо** — тижорат мақсадларида ёки ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжларига фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақдинасиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш;

**чакана савдо** — савдо соҳасида якуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотиш;

**сотувчи** — маҳсулот ишлаб чиқарувчи, уни биржа савдоларига қўювчи ва сотувчи Ўзбекистон корхоналари;

**харидор** — ишни бажариш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун цемент (шифер)дан фойдаланувчи, шунингдек, улгуржи ва (ёки) чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

Демак, шифер ва цемент билан савдо қилиш тақиқланган эмас, муайян тартибга келтирилган, холос.

Харидор билан сотувчи ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белгиланган.

## Юридик шахсни тугатиш

*Юридик мақомга эга бўлган ташкилот қандай тартибда тугатилади?*

**П.ТИЛОБОВ,**
**Бўстонлиқ тумани**

**Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.**

**Юридик шахс:**

**унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, жумладан, юридик шахс фаолияти учун белгиланган муддат тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;**

**фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонунан тақиқланган фаолият амалга оширилган ёхуд олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса — уч ой мобайнида) банк ҳисоб варақалари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) ва давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, ушбу Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин.**

**Фуқаролик кодексининг 55-моддасига мувофиқ тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Бу муддат мазкур хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.**

**Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини олиш чораларини кўради, шунингдек, кредиторларни юридик шахс тугатилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.**

**Кредиторлар талабларини қўйиши учун белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, у тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек, уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.**

**Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган муассислар (иштирокчилар) ёки орган томонидан тасдиқланади. Ушбу қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, баланс юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.**

**Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан ташқари) ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол-мулкини кимошди савдоси орқали белгиланган тартибда сотади.**

**Кредиторларга пул тугатиш комиссияси томонидан Фуқаролик кодексининг 56-моддасида белгилаб қўйилган навбат тартибида, оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб тўланади.**

**Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугагандан кейин комиссия тугатиш балансини тузади, уни юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган муассислар (иштирокчилар) ёки орган тасдиқлайди. Қарор суд томонидан чиқарилган тақдирда, тугатиш баланси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.**

**Тугатилаётган давлат корхонасининг мол-мулки, тугатилаётган муассасанинг эса пул маблағлари кредиторларнинг талабини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисмини ушбу корхона ёки муассаса мулкдори ҳисобидан қондириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.**

**Юридик шахснинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига (иштирокчиларига), агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, топширилади.**

**Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш, шунингдек, уларни муассислари йўқлигида тугатиш таомили ва хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.**

**Юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилгандан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, унинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.**

**Саволларга ҳуқуқшунос Довуд МАДИЕВ жавоб берди**

## Вазифасини бажариш чоғида

*Иш берувчи меҳнат муҳофазасига панжа орасидан қарамай, ходимлар учун шарт-шароит яратиб берса ва назоратни тўғри йўлга қўйса, иш вақтида ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса бўлмайди. Аммо шунга қарамай кўплаб корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатларга риоя қилинмай келинмоқда. Ўтган йили Сирдарё вилоятидаги корхона ва ташкилотларда 20 та бахтсиз ҳодиса рўй берган. Гулистон шаҳрида меҳнат вазифасини бажариш чоғидаги бахтсиз ҳодисалар туфайли 3 киши ҳалок бўлганлиги аниқланди. Маъмуриятнинг меҳнат муҳофазасига совуққонлик билан қарагани кишини ўйга толдиради.*

*Сирдарё туманининг «Синдоробод» касб-ҳунар коллежи биносида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган эди. Қурилиш корхонаси раҳбарлари хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганлиги уларга жуда қимматга тушди. Илҳом Зокиров бошлиқ қурувчилар бригадаси оғир темир нарвонни бошқа жойга ўтказаётган пайтда нарвон асбобга уланган кабелнинг очиқ жойига тегиб кетади ва бирданига олти кишини ток уради. Оқибатда бир киши оламдан ўтади, бешта қурувчи оғир жароҳатланади. Маъмурият меҳнат қонунлари талабларига зид иш қилганлиги ойнадай равшан. Ҳаммасидан ҳам ҳаётдан кўз юмган О.Мадумаровнинг меҳнатидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз фойдаланиб келинганига нима дейсиз? Унга меҳнат муҳофазаси юзасидан йўл-йўриқлар берилмаган.*

*Мирзаобод туманидаги «Парчаюз алжавоҳир» фермер хўжалигининг ишчиси, 1980 йилда туғилган Қодиржон Эргашев ҳам 12 август куни далага келгач, фермер хўжалиги раҳбарининг топшириғи билан электр насос орқали экинларни суғоришга киришади. Ва... ток уриши натижасида воқеа жойида вафот этади. Қ.Эргашевнинг оиласи, қарамоғида икки норасида фарзанди бор эди. Тўғри, марҳумнинг оиласига фермер хўжалиги томонидан баҳоли қудрат ёрдам ажратилди. Аммо чинордай бир азамат йигит энди орамизда йўқ... Шу каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилаяпти?*

*— «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда таъкидланганидек, мулкчилик шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрларга риоя қилмаган масъул шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг давлат меҳнат техника инспектори Тўлқинжон Абдураззоқов. — Чунки улар ишчи-хизматчилар учун шароит яратиб беришга масъулдирлар.*

*Жамоамиз ходимлари томонидан кўнгилсиз ҳодисаларнинг сабаблари атрофлича ўрганиб чиқилаяпти. Айбдорлар қонуний жазосини олмоқда. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан бирмунча ишларни амалга ошираяпмиз. Хусусан, касаба уюшма фаоллари, мутасадди раҳбарлар иштирокида жойларда семинарлар ташкил этилмоқда.*

Анорбой НОРҚУЛОВ
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

**Жаҳон адабиёти**

## Кабо АБЭ (Япония)

# Болалар хонаси



**(Охири. Боши ўтган сонда).**

У сўзи охиридаги товушларни аёлларга хос назокат билан ютиб юборади. Гўё бу билан кўнгли тўлмаганини ифодалайди. Эркак буни илғайди, овозида норозилик оҳангларини яширишга тиришиб, қатъий суратда дейди:

— Нотўғри тушундингиз. Мен ўз болаларимни назарда тутяпман.

Аёлнинг юзлари кўкариб кетади.

— Қизиқ. Сўровномангизни диққат билан ўқиб чиққанман. Унда болаларим йўқ, деб ёзгансиз.

— Сўровномадами?.. — Эркак бўш финжонга қараб тамшаниб қўяди. — Ҳа, ростдан ҳам, сўровномада...

— Нима, тўғрисини ёзмаганмисиз?

— Йўқ, буни бутунлай ёлғон ҳам деб бўлмайди.

— Қаранг-а? Нақадар умри сабил ёлғон...

— Сизга қандай тушунтирсам экан? Сўз сиз ўйлагандек, сўровномада зикр этиладиган болалар ҳақида эмас...

— «Тилла болакай» ҳақидами бўлмасам?

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади...

— Балки сиз ҳозирча тан олмаган, никоҳсиз туғилган боладир?

— Сизга нима деяпман, сўз тан олинган ёки ташландиқ бола ҳақида кетаётгани йўқ.

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман.

— Нафсиламрини айтганда, улар бу оламда йўқ, айни пайтда, уларни яшамаяпти дейиш ҳам тўғри эмас...

Аёл нигоҳини эркакка қадаганча бошини эгади, тишларини намойиш этиб кулимсирайди, ўз хаёлларидан қутилмоқчи бўлгандек, бошини ортга силкийди.

— Тушунарли... Агар сиз шуни назарда тутаётган бўлсангиз, мен тушундим.

— Нимани тушуна қолдингиз?

— Шунчаки сиз уларни тушингизда кўриб турасиз.

— Тушимда кўраман, десам ҳам бўлади. Фақат уйқудаги тушда эмас. Улар нафас оладилар, қўл-оёқларини қимирлатадилар ҳа, ҳа очиқ кўз билан кўриладиган тушда...

— Жуда қизиқ, ҳикоянгиз жуда қизиқ...

— Сизга айтдим-ку, яна қайтариб айтаман, улар ҳамма болаларга ўхшаш болалар. Биологик нуқтаи назардан ҳам типпа-тирик болалар. Агар сизни ишонтиролган бўлсам...

— Улар қаерда яшашади?

— Албатта, менинг уйимда, аниқроғи, уйимнинг ертўласида. Аммо мен ертўла атаган у жой шундай жиҳозланганки, болалар ўзларини жуда яхши ҳис қиладилар. Оламдан том маънода ажратиб қўйилганини мустасно этганда, ҳавас қиларлик жой у...

— Жуда қизиқ, давом этаверингчи...

— Гапларимнинг бари рост.

— Гапларингизни ўта жиддий қабўл қиляпман.

— Болалаларим иккита: каттаси ўн уч, кичиги тўққиз ёшда... Биласизми, мени нима ташвишга солади: мана сиз улар билан дўстлашиб кета оласизми, бунга мисқолчалик бўлса ҳам умид қилса бўладими? Жилла қурса, умид қилишимга ижозат беринг.

— Нима десам экан, сизнинг, чиндан ҳам, хоҳишингиз шу бўлса...

— Хайрият-э! Сизга яна бир саволим бор, маъзур тутинг... Агар сиз уларнинг ўрнида бўлсангиз... Йўқ, бу гапларни бекорга алжирамаяпман. Ҳар ҳолда, саволимнинг мазмуни шунга ўхшашроқ...

— Менинг бир узоқ қариндошим, холам бўларди. Унинг кўп мушуклари бор эди...

— Мушуклари?

— У тўрт авлод мушукларини сақлаб келарди, ўттизтача. Қизиғи шундаки, уларни ҳеч ким кўрмаганди.

— Нима, мени телба холангиз билан бир қаторга қўйяпсизми?

— Холам ҳеч қанақа телба-пелба эмасди. Яқинидаги балиқ дўконининг хўжайини ҳар куни ўттиз мушукка етарли овқат олиб келарди. Мушуклар рости билан бор эди. Мен бунга сира шубҳа қилмаганман. Ким учундир, ўттиз мушукнинг борлигига ишонишим зарур экан, нега уни хурсанд қилмай.

— Буни қаранг-а, сиз шак-шубҳасиз менга керак одамсиз. Энди саволимни бермасам бўлмас. Болаларимиз учун қандай осмонни раво кўрардингиз? Демоқчиманки, шу заҳарли осмон ўрнига...

— Денгиз ёқасидаги, кўзни олар даражада тиниқ зангори осмонни.

— Нима учун?

— Ёки куз осмонини. Куз — гўзал фасл, салқинлик, мевалар ғарқ пишган...

— Бунга ишониб бўлмайди.

— Шундай деб ўйлайсизми?

— Менинг болаларимга, қачонлардир, ўликка айланган ер шарида яшашга тўғри келади. Улар учун ҳеч қандай фаслнинг аҳамияти бўлмайди. Ҳозир улар учун шундай муҳит яратиш керакки, кейинчалик ҳар қанақа ғайриоддий шароитларга ўргана олсинлар.

— Заҳарли тутунга ҳамми?

— Йўқ, тутун ва одамлар бундан мустасно, пайти келиб улар бир-бирларини еб битиришади. Шу боис ҳам мен, дастлабки пайтлардан бошлаб, улар учун саҳро осмонини танлаганман. Албатта, бу ўринда, иқтисодий имкониятимнинг ҳам дахли йўқ эмас.

— Болалар учун саҳро осмони, ахир бу ўта шафқатсизлик эмасми?

— Аммо уларга яқин жойда сув ҳавзаси ҳам бино этдим. Биласизми, шунда нима юз берди?

— Нима юз берди? Бу нима деганингиз?

— Болалар ҳақиқий ёввойи жонзотлардек... сувни ҳидиданоқ топиб олишди.

— Ажабо!.. Томоғим ҳам қақраб кетди, мен учун чой буюра олмайсизми?

— Балки чойни менинг уйимда ичармиз? Хушбўй чойларим бор, дамлаб берардим. Қолаверса, бир қарорга келишингиздан олдин, болалар билан учрашсангиз яхши бўларди...

— Уйингизга бордим ҳам дейлик, у ерда саҳро осмонини кўраманми?

— Йўқ. Саҳрони йўқотдим. Ҳозир болаларимни жунглига, учинчи муз даврига кўчирдим. Ҳозир унда катта-кичик динозаврлар сайр қилиб юришибди, шу билан бирга, ўсимликлар кўмирга, жонзотлар нефтга айланиш жараёнини бошдан ўтказишяпти. Ушбу давр кўп томонлама бизнинг замонамизга ўхшайди.

— Шундай экан, қачонлардир болаларингиз ҳам бизнинг давримизга етиб келишмайдими? Қачонлардир бизнинг аждодларимиз динозаврлар мавсумини ҳам яшаб ўтишганку...

— Янглишасиз. Менинг болаларим инсониятнинг ёввойилик даврини бошдан кечиришмайди. Ахир бизнинг фан-техникага доир билимларимиз бор. Устига-устак, сиз уларнинг тизимли билим олишлари учун ёрдамингизни аямасангиз, болаларнинг маданийлашув жараёни ёввойи аждодларимизникидан, албатта, бошқача бўлади.

— Бугунги замон ҳақида уларга нима дейсиз?

— Нега уларга бу ҳақда гапиришим керак?

— Ахир уларни ташқи дунёдан мутлоқ ажратиб қўйиш мумкин эмас-ку. Ташқаридан автомобиллар шовқини келади, савдогарлар эшик қоқиб, нималарнидир таклиф қилишади...

— Ертўла деворлари шундай ишланганки, «тиқ» этган товушни ўтказмайди. Тўғри, бир марта тоза бўларим бўлай деган. Ўшанда ертўла девори бўйлаб ўтган сув қувури ёрилиб кетганди. Ертўлани сув босай деди. Шунда болаларни сандиққа қамаб, устани чақиришга тўғри келганди. Лекин болалар сандиқ тирқишидан ҳаммасини кўришган экан. Ўзимни йўқотиб қўйгандим ўшанда. Воқеани қандай изоҳлашни билолмасдим.

— Улар сизни билишади, демак, одамзот ҳақида маълум тасаввурлари бор. Шундай экан қувурчи-устани кўриш билан тасаввурлари остин-устун бўлиб кетмагандир, дейман.

— Йўқ, мен уларни учаламиздан бошқа одам зоти йўқ, деган фикрга ишонтирганман.

— Бунинг учун янги тарих тўқиб чиқаришингизга ҳам тўғри келгандир?

— Қувурчи-уста ҳақида болаларга шундай дедим: диққат билан эшитинглар, сиз кўрган жонзот Аждарруҳ бўлади. У ҳар қандай қиёфага кира олади, ҳатто отангиз қиёфасига ҳам.

— Бундан чиқадики, сиз болаларнинг тасаввурларини чўпчакка айлантирибсиз-да?

— Ҳа, сиз ҳақсиз. Яна уларга айтдим-ки, Аждар гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб бўлиб туради... Бу мен учун жуда қулай изоҳ бўлди... Бунга қадар уларга озиқ-овқат олиб кирар эканман, емишларнинг қандай пайдо бўлганини тушунтиришга жуда қийналардим. Эндиликда Аждарруҳ хоҳласа сосиска, хоҳласа хитойча угра, борингки исталган овқат қиёфасига кираверади...

Аёл кулимсираганча оёқларини узатибйиғиб, тиззаларига қўлини қўяди. Фавқулодда диққатбозлик ўрнини аёлга хос назокат эгаллайди. Ўзини бўш қўяди, чеҳрасида хотиржамлик зуҳур этади.

— Юринг, болалардан хабар оламиз... Бола тарбиялайман деган одам фақат уларнинг ўқишларини эмас, ўйинларини ҳам кузатиб туриш керак!..

— Дарвоқе, ҳов анови кўча тўлдириб ўтаётганларни ҳалиям одамлар деб ўйлаяпсизми?

— Йўқ аждарруҳлар деб, ёки... бўлажак нефт қуйқалари деб... Атрофимизни эса тош даврнинг кўмир конлари қоплаган...

Улар ўтирган жойларидан худди келишиб олгандек бир пайтда туришади. Аммо қаҳвахона ҳақини эркакнинг ўзи тўлайди. Лифтда тушишар экан, аёл эркакнинг кенг елкаларини ўз елкасига чоғлаб кўради, сўнгра унинг юзига кўз ташлаб, майингина кулимсираб қўяди. Эркак жавоб қилиш ўрнига кўзларини бир оз қисганча, аёлнинг тирсагидан тутади. Улар яна ўша заҳарли буғ ва тутунларга чулғанган очиқ ҳавога чиқишади. Ортдан қараганда ҳар иккиси кийган кийимининг айнан бир жойи бужмайиб қолгани кўзга ташланади. Гўё улар ўн йиллаб бирга яшашган, узоқ вақт ягона суянчиққа суяниб умр кечиришгандек...

Электричкада тўрт бекат келадиган манзил таксида бир-икки дақиқачалик йўл, холос. Одатда у автобусда юради, аммо бугун ўзини бундай ҳашаматдан тиймагани маъқул

Эркакнинг ростдан ҳам уйи бор. Бу оддий, йирик ғиштдан қурилган уй шаҳар ташқариси аталган ҳудудда, кичкина, шинам ер майдонига эга ҳовлилардан бирида жойлашган. Уй ҳатто томининг ранги билан ҳам қатордаги уйлардан фарқ қилмайди. Яшилга бўялган туника том, том қуйисидан ўтказилган сув қувури ҳам шу рангда. Аммо ҳозир аёлни уйнинг ҳақиқатан мавжудлигидан бошқа нарса қизиқтирмайди. Унга шунинг ўзи кифоя.

Эркак ва аёл яна стол атрофида қарама-қарши ўтиришибди. Фақат бу сафар чой ичишяпти. Стол қаҳвахонаникидан кўра бошқачароқ ясатилган бўлса ҳам, шалоқлиги билан ўшани эслатади. Аёл бўшаган сигарета қутисини буклаб, лиққилаётган стол поясига қўяди.

— Болалар ҳозир нима қилишяпти экан?

— Соат неччи бўлди?.. — Эркак қўл соатига тикилиб ўйланади. — Улар ов қилишяпти.

Аёл кулади ва стул суянчиғига ўзини ташлаб сочини тўғрилайди. Кейин хонада ҳукм сурган бесаранжомликка қараб дейди:

— Сиз, ростдан ҳам, якка ўзингиз яшайсизми?

Эркак аёлга синчков нигоҳ ташлайди, унинг ёнидалигидан кўнгли тўлгандек бўлади.

— Очиғини айтсам, никоҳ ташкилотига бошқа боришни хоҳламасдим. Болалар, мен сизга айтсам, роса ов қилишяпти ҳозир.

— Бугун нима овлашади. Ўлжалари катта бўладими ёки кичкинагинами?

— Улкан динозавр — бу аниқ.

— А, Аждарруҳ уларни ажаблантирмайдими?

— Сиз ҳақингизда уларга кўп гапирганман.

— Мен ҳам ақлли бола бўламан.

Аёл чўқиштирмоқчидек пиёласини баланд кўтаради, эркак унга эргашади. Шунга қарамасдан, уларнинг ҳаракатларида бир оз бегонасираш сезилади. Гўё беғаму беташвишлик уларнинг ёшларига ярашмайдигандек.

— Аммо болаларим ўта таъсирчан, шунинг учун...

— Бўлмасамчи, — шошиб маъқуллайди аёл. — Бугун бир дақиқага киргандим... Энди қайтсам... ҳаммаси ўз вақти билан... Мен билан учрашиш учун уларга бир оз вақт керак.

— Йўқ, келинг яхшиси болаларнинг ўзларидан сўраб кўрамиз. Агар улар сизни яхши қаршиласа, учрашувни ортиқча чўзишга ҳожат йўқ.

— Ҳа, албатта. — Аёл шу қадар уялиб кетадики, ҳатто кўзларида ёш кўринади. — Майли, ўзларидан сўранг. Агар қоринлари оч бўлса, уларга овқат тайёрлаб берай.

— Йўқ, овқатланишларига ҳали эрта.

— Бўлмаса, мен нима қилай?

Аёл баттарроқ қизариб кетади, эркак эса буни сезмайди ҳам. Пиёлани қўлига олиб хўриллатиб чой хўпларкан, дейди:

— Яхши, улардан ҳозироқ сўраймиз... Чойни ичамизу сўраймиз...

Улар худди дон чўқиётган қушлардек, бирваракай чой хўплашга тушиб кетишади.

Эркак кутилмаганда қўлининг орқаси билан оғзини артиб ўрнидан туради, бир оз саросимага тушган аёл унга эргашади. Эркак олдинда, изидан аёл.

— Бу ошхона.

— Ўҳ-ҳў!

— Буниси ювиниш хонаси.

Эркак эшикни ланг очиб, деворига кафел терилган ювиниш хонасига киради; аёл ундан қолмайди, бироқ кирган жойида тўхтайди. Қизиқ. Кафел терилган хона полининг бир четидан кафеллар кўчириб олиниб, ертўлага тушиш учун йўл қилинган, туйнук оғзидан қўпол қилиб ясалган шотининг учи кўриниб турарди.

Аёл саволомуз кулади ва шундай жавоб кутиб аланглайди. Эркак кулмайди. Дарҳақиқат, қулинг ўргилсин ҳазиллар жиддий туриб қилинади.

— Чироқни ёқинг, илтимос, эшикни ёпишни ҳам унутманг.

Аёл эшикни ёпар экан, гўё қулоғи том битганини ҳис қилди. Аслида гап унинг қулоғида эмас, эшик ёпилган замони атрофни қабр сукунати қоплаганди. Эшикка қалин овозютгич мато сирилган эди.

— Болалар хонаси пастда.

Аёл эркакнинг «болалар хонаси» дегандаги товуш оҳангига лол қолди. Бу оҳанг ҳаддан ташқари сирли, илиқ, шу билан бирга тантанавор эшитиларди. Афтидан ҳозирча ташвишланмаса ҳам бўлади... Эҳтимол ҳамма уйлар шу каби болалар хонасига эгадир. Аёл билмайди, болалар хонаси балки шундай бўлиши керакдир.

Зинанинг ярмига етган эркак мутлақо табиий, хотиржам ҳолатда аёл томон қўлини чўзади.

— Бошингизни уриб олманг.

Зина тугаган жойда ҳайвон териси қоплангандек сержун, қалин яна бир эшик кўринади. Эркак йўғон илгакни суриб, эшикни очади.

Остона ҳатлаш билан мавжланаётган тунд яшил ранг кўзга уради... Қорамтир-яшил нур чизиқлари ўйнаб туради. Кейин денгиз қирғоғида судралган ёғочникига ўхшаш ғичирлаган овоз эшитилади.

— Тошкўмир даври жунглиси, — пичирлайди эркак. — Бу товуш судралаётган динозаврники бўлса керак?

— Қандайин бепоён жунгли-а?

— Сизга шундай туюляпти. Аслида бу шаффоф экранлардан таралаётган ёруғликнинг сояси, холос. Аммо уни ростдан ҳам «бепоён» деса бўлади.

— Яхшилаб қаралса, балки кедр дарахтлари ҳам кўринар?

— Ҳу анов ёқда ботқоқ ҳам бор. Устида сув ялтираяпти-ку, ана...

— Бунча дим бўлмаса, бу ер.

— Топган-тутганим шу хонага кетган... Илгари юрамиз.

Кутилмаганда қандайдир махлуқнинг ўкириги эшитилади.

— Нима бу?

— Аргозавр. Йиртқич динозаврларнинг бир тури.

— Бунга қандай эришдингиз...

— Магнит лентасига ёзиб олганман. Албатта, тан олишим керак, ҳақиқий динозавр қандай ўкиришини ҳеч ким билмайди. Уларга бир оз яқин турдан фақат қичқироқ-эчкиэмар сақланиб қолган, аммо унинг чийиллаши динозавр ўкириги бўлармиди.. Кўпроқ қурбақа сайроғини эслатади. Лекин яхши тарбия ҳақиқатдан устун туради. Экрандаги йиртқичнинг гавдасига, ҳар ҳолда, бу товуш тўғри келади. Ҳозир эшитганларингизнинг бариси телевизордан ёзиб олинган... О-о, бу йўлнинг давоми йўқ, у ёғи йўлнинг девордаги акси... Бу ёққа келинг.

— Болалар қани?

— Ҳозир бирдан сапчиб қолишади. Кутилмаганда ташланиш уларнинг одатлари.

— Ўҳ-ҳў...

Бу аёл бошини қимирлатган лаҳзада рўй берди. Аёлнинг чап ёнидаги улкан кедр шоҳлари илкис силкинди, япроқлар оралаб ястанган мовий осмон бағридан икки бола мўралади. Улар қандай қилиб бу жойда яшириниб олишган, тушунарсиз эди.

Болалардан бири, эҳтимол каттаси бўлса керак, аёлга камон ўқталиб турарди. Иккинчиси сақич чайнар, шу аснода дарҳол акасига пешлаш мақсадида бир қўлида камон ўқини тутиб олганди. Юзлари мурданикидек, ҳатто ундан-да баттарроқ, кўкариб кетганди. Бошларига гўё кигиз қопланган, сув кўрмаганидан бўлса керак, увадага ўхшарди.

Эркак ўзини унутиб қичқиради, аммо бу ҳаракати ҳайф кетади, у кечикади ва камондан биринчи ўқ отилиб чиқади.... Пайкон ғувиллаган овоз чиқариб, аёлнинг бўйнини ялаб ўтади. Агар аёл ғайришуурий тарзда чап бериб қолмаганда нақ бўғзига санчиларди. Пайкон бориб деворга урилар экан, атрофни ваҳшиёна, вайрон қилувчи кучнинг ёввойи товуши тутади, бу сира ҳам болакай отган ўқ-ёй товушига ўхшамайди... Аёл яшил нур тўшалиб ётган йўл бўйлаб қочар экан, эркакнинг жонҳолатдаги чинқириғини эшитади:

— Нима қиляпсизлар, мумкин эмас!

Ингичка, чийилдоқ, овоз шундай жавоб қилади:

— Аждарруҳ!

— Йўқ, йўқ, бу ахир онангиз-ку! У сизларга санашни ўргатади.

— Ёлғон. Аждарруҳ.

Аёл ёлдор эшикни қарсиллатиб ёпганча, зина бўйлаб қочишда давом этар экан, унга қўйлагининг шитирлаши-да таъқиб бўлиб туюлади. У ювиниш хонасидан сузиб ўтиб, кўчага отилади. Шундан кейингина бир оз секинлайди. Энди унга мурдаранг болалар етиб олишолмайди. Аммо айни пайтда аёлни таъқиб этаётган нарса на хавф-хатар, на қўрқувга ўхшарди.

Аёл тушган электричка заҳарли буғ ва тутунлар булути оралаб, шаҳар марказига томон шошади. Вагонда бўш жойлар кўп, аммо у тутқичга ёпишиб олган, дамбадам ойнадан қараб қўяди. Ойна ортидан, босмахона машинасидан чиқаётган газетага ўхшаб, манзаралар сафи тизилиб ўтади. Манзара оралаб аёлнинг қимтилган лаби, юзлари кўринади. Дафъатан, ойнада акс этган қўрқув излари ҳаракатга келади. Бу пайтда электричка вагони мактаб биносини ошиб ўтарди. Дам олиш куни учунми ёки байраммикан болалар сийрак кўринар, борлари ҳам мактаб ҳовлисида ғимирлаб юришарди.

Аёл кулранг осмонга қарайди. Паришон нигоҳини энкайган, зериккан, туссиз самодан ололмайди. Юраги аввалгидек тепа бошлайди. У қўлидан бошқа иш келмайдигандек, лабини янада қаттиқроқ тишлайди. Оғзини очмаслиги керак, шундагина у, гарчи осмони болалар хонасидаги сингари туссиз бўлса ҳам, бугунгисига эгиз янги кунни кутиб олиши мумкин.

**Рус тилидан Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ таржимаси**

Молиявий жиноят






*Тасаввур қилинг, бирор шахс бошқа бировнинг уйидан буюмларини ўмариб кетса жабрланувчига қанча миқдорда зарар етказиши мумкин? Бир миллион, икки миллион, нари борса беш миллион сўмлик моддий зарар тўғрисидаги маълумот ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳужжатларида пайдо бўлади. Бироқ нафақат Европада, балки ер юзидаги энг обрўли, жаҳон молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган банклардан бири — Франциянинг «Societe Generale» банклар уюшмасини шу банкда ишлайдиган оддий трейдер (сотувчи — биржа бозорида банк акциялари олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахс) салкам 5 миллиард еврога туширганига нима дейсиз?*

# Аср фирибгари

## ёхуд оддий сотувчининг улкан зарари


Банк президенти Даниэл Бутонни тушуниш қийин эмас.

### ЯШИРИН ОПЕРАЦИЯ

24 январ куни жаҳоннинг деярли барча кўзга кўринган ОАВ ва интернет сайтлари саҳифаларида француз банкига 4,9 миллиард евро зарар келтирган инсон — Жером Кервьелнинг катта-катта суратлари ва умуман банк билан боғлиқ шов-шувлар, таниқли иқтисодий таҳлилчиларнинг интервюлари босилиб чиқди. Уларга кўра, трейдер бошлиқларидан яширинча биржада операцияларни олиб борган ва бутун ер юзида ипотека инқирози натижасида акциялар нархининг кескин тушиб кетиши оқибатида юқоридаги камомад келиб чиққан. Бошқа бир маълумотларга, тўғрироғи, миш-мишларга қараганда, «аср фирибгарлиги» фақатгина Кервьелнинг хатоси ёки қасддан банкка зарар етказиш мақсадида қилинган ҳаракат эмас экан. Бундай хулосага трейдернинг ўз жиноятини дарров бўйнига олгани ҳам турткi бўлди.

Ўз-ўзидан жуда чигал вазият, қаллоблик бир неча соат ичида банк акциялари курсининг 7 фоиздан ортиққа тушиб кетишига сабаб бўлди. Фалокат бир келса, қўша келади деганларидек, трейдер қилмишининг давоми сифатида банкка нисбатан ишончсизлик боис уюшманинг йиллик даромад кўрсаткичи 5,2 млрд. евродан 600 млн. еврога тушиб кетди. Энди «Societe Generale» йўқотишларининг ўрнини тўлдириш учун 8 млрд. евро атрофида сармоя топиши керак. Шунда ҳам даромад кўрсаткичи ҳозирги даражада бўлиб қолсагина.

Маълумотларга қараганда, Кервьел яқин келажакда Европа биржаларида банк акциялари қийматининг кўтарилишига умид қилган ва бу борада ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган, бундан ташқари у операцияларни бажаришда ҳамкасбларининг логин ва паролларидан ноқонуний фойдаланган. Банк маъмуриятини хурсанд қилган жиҳат, трейдер 50 млрд. евролик банк операцияларини бажаришни ният қилган ва агар бунга мувофиқ бўлганида банкнинг кейинги тақдири ҳақиқий фалокатга айланарди.

«Societe Generale» банки раҳбарлари бу ҳолат тўғрисида турлича фикрлар билдиришмоқда. Президент Даниэл Бутон уни «фақат фирибгаргина эмас, балки террорчидир» деб атаган бўлса, бош директор Филипп Ситерн ходимини «ақли ноқис» деб айблаган. «Билмадим, нима учун шундай таваккалчиликка қўли борди экан, унга нима керак бўлган?», — дея интервюсини давом эттиради Ситерн.



Трейдернинг яқинлари ва дўстлари эса бошқача фикрда. Улар Жером оддийгина банк ходими, у бундай мураккаб молиявий операцияларни бажаришга қодир эмас, тинчгина, тартиб-интизомли ҳаёт кечирадиган йигит деб таъкидлашмоқда. Молиявий таҳлилчилардан бири, илмий тадқиқотлар миллий маркази иқтисодчиси Эли Коэн «Таймс» нашрига берган интервюсида «Европа банклари орасида рекорд суммадаги фирибгарликка йўлида у якка ўзи ҳаракат қилмаган» тарзида фикр билдирган.

28 январ куни банк қимматбаҳо қоғозларига эгалик қилувчи юзга яқин акционер биргаликда раҳбарлар олдига талабнома билан чиқишди. Унга кўра, банк бошлиқлари ташқи савдода акциялар нархининг кескин тушиб кетишини олдиндан билишган ва буни яширишган. Бунга сабаб сифатида ушбу воқеалар содир бўлишидан икки ҳафта олдин банк кузатув кенгаши аъзоларидан бири, асли америкалик Роберт Дэй ўз улушини, яъни 85,7 млн. долларлик акцияларини сотиб юборгани кўрсатилмоқда. Ҳозирда АҚШ қимматли қоғозлар бозорини текшириш комиссияси томонидан банк ва Роберт Дэйнинг фаолияти текширилмоқда. Шундай бўлса-да, барибир барча айб Кервьелнинг гарданига қўйилаяпти.

Кейинчалик ОАВда бир-биридан қизиқ интервюлар пайдо бўла бошлади. Жумладан, «Европа 1» радиоканали мухбири Жан-Пьер Элкабаш Даниэл Бутон билан суҳбатини «Жером Кервьел рус банкларидан бирининг манфаатлари учун «Societe Generale»ни инқироз кўчасига олиб кирдими?» деган савол билан бошлади. Эслатиб ўтамиз, француз банки феврал ойининг ўрталарида Россиянинг етакчи банкларидан бири — «Росбанк»нинг назорат пакетини сотиб олишни режалаштираётган эди. Низолар сабаб бундай олди-сотди энди бўлмайди. «Росбанк» раҳбарлари эса бу фикрларни кескин рад этишмоқда.

### ПОЛИЦИЯ ТИНТУВ ЎТКАЗДИ

25 январ куни француз полицияси Жером Кервьелнинг уйида тинтув ўтказди. Трейдернинг уйидан нималар топилгани, умуман, тинтув тўғрисида полиция раҳбарлари томонидан ҳеч қандай фикр билдирилмаган. Бироқ полициячилар Жеромнинг уйидан бир нечта чамадонни олиб чиқиб кетишгани нашрларда эълон қилинган. Бир кун кейин эса полиция ходимлари банк биносини кўздан кечиришган. Кейинроқ трейдернинг ўзи сўроққа олиб келинган. Терговда банк ходимидан «ишни очишга ёрдам берадиган анчагина маълумотлар олинган». Ва ниҳоят 28 январда Кервьел барча айбларни бўйнига олган. Унинг баёнотига кўра, якка ўзи ҳаракат қилган ва бу ишдан ҳеч қандай манфаат кўзламаган, балки ўз хатоларини тўғриламоқчи ҳамда энг зўр трейдер эканлигини кўрсатмоқчи бўлган. Жиноятчининг чин дилдан айбини бўйнига олгани, пушаймон эканлигига қарамай у 7 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Шунингдек 30 январ куни полициячилар Кервьелнинг акасиникида тинтув ўтказишди ва ҳеч нарса топишмади.

### АДВОКАТЛАР ИШГА КИРИШДИ

Ўз ишининг устаси ҳисобланадиган адвокатлар эса Кервьел мутлақо айбсиз деб таъкидлашмоқда.

— Мижозимизнинг ҳеч қандай айби йўқ, — баёнот беришди адвокатлар Кристиан Шарьер-Бурназел ва Элизабет Майер. — «Societe Generale» раҳбарияти барча айбни трейдернинг бўйнига қўйиб ўзлари АҚШ ипотека бозоридаги инқироз натижасида банк ўнлаб миллиард евролик зарар кўрганини жамоатчиликдан яширишмоқда. Агар банк мижозлари бундан хабар топса нима бўлишини биласизми?..

Бундай баёнотга сабаб қилиб адвокатлар банк йўқотишлари суммасининг катталиги ва савдода ўз позицияларини ёпганини кўрсатишаяпти.

Шундай қилиб банк раҳбарияти Кервьелни фирибгарлик, банк компьютер тармоғидан ноқонуний фойдаланиш ва ҳужжатларни қалбакилаштирганликда айбламоқда. Айни пайтда Париж полициясининг молиявий жиноятлар бўлими томонидан кенг қамровли текширишлар олиб борилаяпти. Бу иш, шунингдек, прокуратура томонидан ҳам назоратга олинган.

### БАНК СОТИЛАДИМИ?

— «Societe Generale» банки акциялари нархи биржада 8,23 фоизга кўтарилди, — деб хабар беради AFP агентлиги. Бунга банкнинг қандайдир инвестор томонидан сотиб олиниши тўғрисидаги миш-мишлар ҳам сабаб бўлди. Талабгорлар орасида айниқса, BNP банки кўпроқ тилга олинмоқда.


Жером Кервьел

Франция бош вазири Франсуа Фийон ўз баёнотида банк ҳукумат томонидан тўла қўллаб-қувватланишини ва талабгорларнинг ўзаро рақобатидан зарар кўрмаслигини таъкидлаган. Қатор ҳукумат раҳбарлари эса банк бошлиқларини жиддий танқид қилишган. Шунингдек, мамлакат президенти Николя Саркози ОАВга берган интервюсида жумладан шундай деган:

— «Societe Generale» банки раҳбарлари бўлиб ўтган кўнгилсизликлар учун барча айбни ўз зиммаларига олишлари шарт.

Эслатиб ўтамиз, банк президенти Даниэл Бутон ушбу воқеалар бошланиши билан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзган эди. Бироқ директорлар кенгаши унинг аризасини қабул қилмади.

Хуллас, ҳозирча мана шундай гаплар. Жером Кервьел ўз қилмишлари билан тарихда ном қолдирадиган бўлди. Лекин банкнинг, трейдернинг кейинги аҳволи қандай бўлади, буни вақт кўрсатади. Нима бўлганда ҳам бутун ер юзида жиддий иқтисодий инқирозлар рўй бериб турган пайтда шундай кўнгилсизликлар анча обрўли банкнинг бошига тушгани ачинарли ҳолдир. Бу воқеа бошқа банклар учун ибрат бўлиши керак.

**Интернет материаллари асосида**
**Нурбек ЮЛДОШЕВ тайёрлади**

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

***«Жаннат замини» фермер хўжалиги раҳбари Абдулқосим Холдоров кўпдан бери қишлоғида тегирмон қуриш ва макарон цехини ишга туширишни ният қилиб юрарди. Бироқ маблағ етишмаётганлиги бунга тўсқинлик қилаётганди. Шунинг учун у «Пахтабанк»нинг Жумашуй филиалига кредит сўраб мурожаат қилди. Банк ходимлари фермернинг бизнес-режасини ўрганиб чиқиб, унга 12 млн. 500 минг сўм ажратишга қарор қилишди. Шунинг ҳисобига тегирмон ва цех учун керакли ускуналар сотиб олинди. Ҳозир бу ерда олти киши доимий иш билан банд. А.Холдоровнинг бу ишидан Олтинкўл қишлоғи аҳли ҳам хурсанд.***



# Кредит сиёсати

## Наманган «Пахтабанк»ида қандай амалга оширилаяпти?




Наманган шаҳар «Пахтабанк»и мижози Баҳром Мамажоновнинг ҳам орзуси ушалди. Хусусий тадбиркор уч йил муддатга 7 фоизлик 6 млн. сўм маблағни қўлга киритди. У ушбу кредит ҳисобига тикув машиналари сотиб олиб, 8 нафар ёшни иш билан таъминлади.

«Пахтабанк»нинг Наманган вилоят бошқармасида фермер ва тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида шунга ўхшаш кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда банкнинг туман ва шаҳар бўлимларида мижозлар сони 15 минг 740 тани ташкил этади. Шундан 4963 таси фермер хўжаликларидир. Шу боис банк бўлимлари томонидан пахта ва ғалла етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар режаларнинг ўз вақтида бажарилишида муҳим омил бўлаяпти. Шундай қилиб ўтган йили Молия вазирлиги қошидаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан пахта ва ғалла етиштириш учун ажратилган 24,6 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ресурслари мижозларга тўлиқ берилди. Бундан ташқари «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган кўргазмада тузилган шартномаларга асосан 71 та мижозга минитехнология ва қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш учун кредит ажратилди.

— Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида «Техника ва эҳтиёт қисм етказиб бериш» дастури ишлаб чиқилган, — дейди бошқарма бошлиғи Акромжон Абдуҳамидов. — Унга асосан бўлимларда хизмат кўрсатиладиган корхоналарга тракторлар, сеялка, култиватор ва бошқа техникалар етказиб берилди. Бунинг учун банк 2 млрд. 505 млн. сўм сарфлади. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун иккита мисол келтирсам. Тўрақўрғон туманидаги «Эшондода» фермер хўжалиги 41,8 гектар ерда пахта, 28 гектар майдонда ғалла етиштиради. Хўжаликка «МТЗ-80» маркали трактор сотиб олиш учун 25,8 млн. сўм кредит ажратилди. Норин туманидаги «Жалолов Фазлиддин» фермер хўжалигига ҳам шундай маркали трактор харид қилиш учун қарз берилди. Ҳозирги кунда фермерлар ушбу техникалардан самарали фойдаланишмоқда.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларда айланма маблағнинг етишмаслиги ёки замонавий техника харид қилиш учун молиявий имконият чекланганлиги муаммоси лизинг орқали ҳал қилинади. Шу маънода сўз юритадиган бўлсак, бошқарма туман машина-трактор парклари ва фермер хўжаликларига қиймати 3 млрд. 423 млн. 300 минг сўм бўлган 21 та «Класс Доминатор» комбайнини лизинг ҳамда кредит амалиётлари орқали олиб берган.

Банкда Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажаришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бир мисол. Янгиқўрғон туманида истиқомат қилувчи Камолиддин Сайфуллаев банкка мурожаат қилди. Туман бўлими мутасаддилари унинг аризасини қисқа муддатда ўрганиб чиқиб, 1 млн. 200 минг сўм маблағ ажратди. Камолиддин кредит ҳисобидан иккита қорамол сотиб олиб, оиласининг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлади. Умуман, бошқармада мазкур қарор бўйича 2007 йилда 305 млн. сўм кредит ажратиш режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 385 млн. сўмдан ошиб, 410 та хонадон ўз чорвасига эга бўлди.

— Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги фармони биз учун айни муддао бўлди, — дейди банкнинг Чортоқ туман бўлими мижози Баҳодир Қаюмов. — Хусусан, ўзим ана шу фармон шарофати билан банкдан 7 млн. 500 минг сўм кредит олдим. Қишлоғимда мўъжаз сартарошхонани ишга туширдим. Натижада ўзим билан бирга икки ҳамкасбимни ҳам иш билан таъминладим.

Ҳозирги кунда мазкур фармон ижросини таъминлаш банк кредит сиёсатининг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Масалан, ўтган йили банк маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун жами 393,4 млн. сўм ажратилди. Натижада 174 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Мижозга сифатли ва самарали хизмат кўрсатишда минибанкларнинг аҳамияти катта. Чунки улар фермер ва бошқа мижозларнинг узоғини яқин қилади. Мисол учун Нанай минибанки Янгиқўрғон туманинг марказидан 49 километр, Қўштепа минибанки Попдан 26 километр узоқда жойлашган. Шунинг учун «Пахтабанк»нинг Наманган вилоят бошқармаси филиаллари қошида минибанклар сони ортиб бормоқда. Бултур 5 та минибанк ташкил этилиб, уларнинг сони 41 тага етказилди. Айни кунларда ушбу молия муассасалари асосан янги ташкил этилган фермер хўжаликлари ҳудудида фаолият юритмоқда. Мижозлар сони 3307 та бўлиб, шундан 2793 таси фермер хўжаликларидир. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида минибанклар томонидан ўтган йили 10 млрд. 584,7 млн. сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Бошқарманинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш борасидаги ишлари ҳам мақтовга лойиқ. 2008 йил 1 январгача пластик карточкадан фойдаланувчи мижозлар сони 43 минг 981 тага етказилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар сони 148 тани ташкил этди. Нақд пулсиз савдо айланмалари эса 2 млрд. сўмга яқин бўлди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жамғармаларга жалб қилиш бугунги кунда банклар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Чунки бу ҳам банк, ҳам аҳоли учун фойдалидир. Буни яхши англаган бошқарма маъмурияти кейинги вақтларда бир нечта омонат турларини жорий этди. Юқори фоизли «Капитал», «Даромад», «Ҳосил-2007» шулар жумласидандир. Улар вилоят телевидениеси ҳамда маҳаллий матбуотда мунтазам равишда тарғиб қилинди. Шунинг самараси ўлароқ 2008 йилнинг 1 январигача жами омонатлар миқдори 4 млрд. 860,3 млн. сўмга етказилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпдир. ⓗ

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ishonch» мухбири**





СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ ///

▼ Юнон-рум кураши

# ЧЕМПИОНЛАР КОРЕЯГА БОРАДИ

***2-3 феврал кунлари РОЗК кураш залида юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.***

Бу спорт туридан ҳар бир вилоятда кучли полвонлар етишиб чиқаётгани баҳсларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

Қуйидаги курашчилар якунда шоҳсупадан ўрин олишди:

50 кг. 1.Абдулмажид Боқижонов (Фарғона), 2.Муҳаммадисо Исоқов (Андижон), 3.Азизбек Ғуломов (Бухоро), Шоҳруҳ Ибрагимов (Андижон).

55 кг. 1.Санжар Жумаев (Фарғона), 2.Хуршид Тўхтаев (Тошкент), 3. Эмран Караев (Тошкент), Бобурмирзо Жўраев (Тошкент).

60 кг. Элшод Рафуддинов (Фарғона), 2.Ислом Шодмонов (Тошкент), 3. Аббос Асланов (Тошкент), Акбар Қўзиев (Самарқанд).

66 кг. 1.Дилшод Орипов (Тошкент), 2. Фирдавс Ражабов (Бухоро), 3.Дониёр Абдуллаев (Тошкент вил.), Равшан Одилов (Тошкент).

74 кг. 1.Жаҳонгир Мўминов (Тошкент), 2.Жаҳонгир Турдиев (Қашқадарё), 3.Равшан Рўзиқулов (Тошкент), Азизбек Муродов (Тошкент).

84 кг. 1. Денис Здориков (Тошкент), 2.Рустам Синдоров (Самарқанд), 3.Акбар Ҳасанов (Фарғона), Павел Дорогов (Тошкент).

96 кг. 1.Абдумалик Алиев (Тошкент), 2.Шерзод Ургучев (Навоий), 3. Олим Холлиев (Бухоро), Артур Бердимуродов (Тошкент).

120 кг. 1.Суҳбат Ҳожиев (Тошкент), 2.Илёсжон Ниёзов (Тошкент), 3.Беҳзод Исматов (Тошкент), Бахшулло Жўраев (Бухоро).

Чемпионатда ғолиб чиққанлар асосида шаклланган терма жамоамиз март ойида Жанубий Кореяда ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашади ва бу турнирда Пекин йўлланмалари ҳам ўйналади.

▼ Таэквондо (ИТФ)

***«Жар» спорт мажмуида таэквондо (ИТФ) бўйича болалар, ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ташкил этилди.***

***Мусобақада 400 нафардан ошиқ иштирокчилар «жамоавий тил» ва кўргазмали чиқишлар бўйича маҳоратларини намойиш этишди.***

***Нафақат тажрибали мураббийлар, балки бир қатор ёш мутахассисларнинг шогирдлари ҳам совринли ўринлардан жой олишгани диққатга сазовордир.***

***Биз ёш мураббийлардан бир нечтасининг фикрларини ёзиб олдик.***

# Маҳорат кўриги

***Адҳам Ҳайдаров, Тошкент шаҳри:***

— Пойтахтимиздаги «Бектемир» таэквондо клубида мураббийлик қиламан. Клубда 30 нафар ўғил-қиз шуғулланади. Бугунги мусобақа янгича шаклда ўтди. Маълумки, кўргазмали чиқишлар ва «жамоавий тил» бўйича халқаро мусобақалар ўтяпти. Ўзбекистон таэквондо миллий ассоциацияси спортчиларни мазкур турнирларга тайёрлаш мақсадида бугун «массоги»сиз (жанг ўтказиш) чемпионат ўтказищди.



Шогирдларимдан Асрор Тожибоев, Зокир Рихсибеков, Ҳожиакбар Мамадалиевлар яхши иштирок этишди. Айниқса, Асрорнинг фидойилиги, қишнинг совуқ кунларида ҳам машқларга сидқидилдан ёндошиши эътиборимни тортди. Спортга бу каби меҳр қўйиш бугунгидек ютуқларга ҳисса қўшади. У кўргазмали чиқиш бўйича ғолиб бўлди.

***Лобар Холиёрова, Қашқадарё:***

— Икки йилдан ошди, Нишон туманидаги «Эски Нишон» қишлоғидаги 3-ўрта мактаб спорт залида ўғил-қизларга таэквондо сирларини ўргатяпман.

Шогирдларим шу вақтга қадар вилоят турнирларида иштирок этишганди. Бу уларнинг Республика миқёсидаги биринчи мусобақаси.

***— Натижалардан кўнглингиз тўлдими?***

— 9-10 ёшлилар ўртасида нишонлик таэквондочилар «жамоавий тил» бўйича иккинчи ўриндан жой олишди. Ростини айтсам, мураббийлик масъулияти бошқача бўларкан. Ўзим бир неча бор республика чемпионатида ғолиб чиққан бўлсам-да, бугунгидек ҳаяжонланмаган, хурсанд бўлмаган эдим.

***— Дастлабки қатнашган мусобақангизни ёдга олсангиз...***

— Мураббийим Абдумалик Мирзамуродов Ўзбекистон биринчилигига олиб келганда ютқазиб қўйиб, анча йиғлаганман. Шундан сўнг уч йил йил ҳеч қандай мусобақада иштирок этмай, машғулотларга зўр бердим. 2006 йил навбатдаги Республика биринчилигида қатнашиб, ғолиб чиқиш насиб этди.

2007 йилги чемпионатда, шунингдек, пойтахтимизда ўтган «Амир Темур кубоги» халқаро турнирида ҳам биринчи поғонадан жой олишга муваффақ бўлдим.

Айни пайтда катталар ўртасида ўтадиган Ўзбекистон чемпионатига жиддий ҳозирлик кўряпман. Апрел ойида Астанада Осиё биринчилиги ўтади. Қитъа мусобақасида ғолиб чиқишга иштиёқим баланд.

***— Қарши Олимпия захиралари коллежида таэквондо бўйича таҳсил олаётган экансиз. Демак, спорт тури бўйича мутахассисга айланяпсиз. Келажакда қайси касбни танламоқчисиз?***

— Адвокат бўлмоқчиман. Бироқ ҳеч қачон спортни ташлаб кетолмасам керак...

▼ Самбо

***3 феврал куни «Жар» спорт мажмуасида самбо бўйича 1990-91 йилларда туғилган қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ғолиблари аниқланди.***

# Қизларнинг шашти баланд

Биринчиликда Шаҳноза Нуралиева, Гулруҳ Абдувосиева, Севара Давронова, Самира Искандарова (Самарқанд), Ҳанифа Одилова, Дилфуза Темирова (Қашқадарё), Наргиза Ҳамдамова, Ойгул Найманова (Андижон), Шоира Машарипова (Хоразм), Дилфуза Шарипова (Бухоро) ғолиб чиқишди.

Биз билан суҳбатда Ўзбекистон аёллар самбо терма жамоаси устози Елена Пўлатова қизларнинг маҳорати йилдан йилга ўсаётганини таъкидлаб, ғолиб ва совриндорлар географияси анча кенгайганини айтди.



▼ Ўқ отиш

# Пойтахтликлар тенгсиз



**Ўқ отиш бўйича спортчиларимиз қўлга киритаётган натижалар ёмон эмас. Ҳамюртларимиз Дилшод Мухторов ва Елена Кузнецованинг «Пекин-2008» Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритишгани ҳам бежиз эмас.**

**Яқинда пойтахтимизда ушбу тур бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги ташкил этилди.**

**57 нафар мерганлар иштирок этган мусобақада майдон эгалари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Андижон ва фарғоналик спортчилар кейинги поғоналарни банд этишди.**

***Ўзбекистон футбол федерациясида Катарда «Дўстлик-2008» халқаро турнирида 3-ўринни олиб қайтган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмад Убайдуллаев, терма жамоалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Алишер Никимбаев ва футболчи Шерзод Аъзамов иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# Турнирдан кўнгил тўлди

Қуйида матбуот анжумани тафсилотларини қисқача келтирамиз.



***А.Никимбаев:*** Қатардаги турнир жуда яхши ташкил этилди. Умуман, турнир иштирокчиларидан ҳам мусобақанинг нуфузини билиб олса бўлади. Еттинчи маротаба ўтказилган мазкур мусобақа кўплаб футбол юлдузларини кашф этган. Масалан, бразилиялик Кака ҳам айнан шу турнир орқали «Милан»га ўтганди. Шу туфайли айтишим мумкин, бу жуда фойдали ва керакли турнир.

***— Мусобақанинг соврин жамғармаси қанча экан ва бу пуллар нимага сарфланди?***

***А.Никимбаев:*** 1-ўринга 80 минг АҚШ доллари, 2-ўринга 60 минг ва 3-ўринга 40 минг. ЎФФ раҳбариятининг кўрсатмасига биноан, бу пуллар терма жамоа аъзоларига бўлиб берилди.

***— Мусобақа давомида ихтиёрингиздаги барча футболчидан фойдаландингизми?***

***Аҳмад Убайдулаев:*** Деярли барча ўйинчилар майдонга тушишди.

***— Осиё чемпионатига кейинги айёргарлик режаси қандай?***

— Март ойида Тошкентда йиғиламиз ва 3 кунлик йиғиндан сўнг Туркияга жўнаб кетамиз. У ерда 4-5 та назорат учрашувларини ўтказишни режалаштиряпмиз.

***— Хитой терма жамоасига гуруҳда имкониятни бой бериб, 3-ўрин учун бўлган баҳсда ғалаба қозонилди. Бу ютуқ ниманинг эвазига амалга оширилди?***

***Шерзод Аъзамов:*** Аввало, ҳамжиҳатлик. Гуруҳдаги ўйинда сўнгги дақиқаларда имкониятни бой бериб қўйгандик. Шу боис, иккинчи учрашувда бор куч-имкониятларимизни ишга солдик. Бунинг устига, хитойликларга қарши ўйин мусобақадаги сўнггиси бўлганлиги учун ҳам ғалаба қозонишимиз шарт эди. Буни уддалаганимиздан хурсандман.

▼ Футбол

# Янги харидлар

**Хабарингиз бор, ўтган йили Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси мамлакат чемпионати ва кубогида қўшалоқ ғалабага эришганди. Жамоа бу йил Санкт-Петербургдаги «Ҳамдўстлик кубоги» мусобақасида ҳам ёмон қатнашмади. Лекин янги мавсумда Ўзбекистон миллий чемпионатида Равшан Ҳайдаров шогирдларига осон бўлмайди.**

**Чунки пойтахтликликларнинг асосий рақобатчиси ҳисобланган Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси бирин-кетин мамлакатимизнинг энг кучли футболчиларини ўз таркибига жалб этмоқда.**

**Клубнинг расмий веб-саҳифаси хабарига кўра, яқинда Сервер Жепаров ва Тимур Кападзени ўз таркибига қўшиб олган клуб раҳбарияти куни кеча Анвар Солиев билан ҳам шартнома имзолади.**

**Осиё Чемпионлар лигасида иштирок этадиган пойтахтликлар «А» гуруҳида Саудия Арабистони ва Суриянинг «Ал-Иттиҳод» жамоалари, шунингдек, Эроннинг «Сепахон» клуби билан кураш олиб боради. Миржалол Қосимов жамоасининг биринчи учрашуви 12 март куни Саудия Арабистонида «Ал-Иттиҳод»га қарши кечади.**

*Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади*

СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ /// СПОРТ ///

# Сканворд




Кимки илм уруғини сепса, улуғлик мевасини теради. Кимки яхшилик уруғини экса, муҳаббат мевасини теради. Кимки тафаккур уруғини сепса, ҳикмат мевасини теради.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлади

Одамлар икки нарса билан тақдирланадилар: яхшилик қилган, яхшилик билан; ёмонлик қилган, ёмонлик билан. Шарм ва ҳаё эса инсон фазилатларининг энг улуғидир.

# Буларни билармидингиз?

## Дунёни қандай кўрамиз?

Дунё қандай кўриниши ҳаммамизга маълум. Кўзларимиз бир қанча рангларни фарқлай олади. Ранглардан баҳра олиш борасида одамзотнинг омади чопган, чунки кўпгина ҳайвонлар рангларни фарқлай олишмайди. Кундалик турмушимиздан ит ва мушук бунга оддий мисол...

## Диққат қилганмисиз?

Тарозига чиққанда бироз олдинга эгилиб турсангиз, вазнингиз аслидан анча кам чиқади. Агар қўлларингизни юқорига кўтариб турсангиз, вазнингиз бир муддатга оғирроқ чиқади.

## Сувни йўналтиринг

Сочингиз қуруқ бўлса бу қизиқ тажрибани ҳозироқ амалда синаб кўришингиз мумкин. Пластик материалдан ясалган тароқ олиб, у билан сочингизни тез-тез таранг (тароқни бирор жунли матога ишқаласангиз ҳам бўлаверади). Сўнгра водопровод жўмрагини томчилашдан сал кўпроқ очинг ва тароқни сувга аста яқинлаштиринг. Томчиларнинг бирлашганини ва тароққа томон йўналганини кўрасиз.

## Сувдаги тош

Тарозининг бир палласига бир стакан сув ва бир тошча қўйинг. Қарши паллага эса шу оғирлик билан тенг бўлган тарози тоши қўйинг. Сўнгра тошчани олиб стакандаги сувга ташланг. Сизнингча, мувозанат бузиладими?

---

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши АСМ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Норхол Раҳматовага онаси **Мусаллам БЕРДИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши Ургут туман АСМ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши мутахассиси Толиб Очиловга отаси **Маҳкам Ҳожи бобо**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Тўра Саидовга онаси **Хосият ая**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

